

**MINISTRY OF THE HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**
UZBEKISTAN STATE WORLD LANGUAGES UNIVERSITY

On the right of manuscript

RAMAZONOVA ZEBUNISO YASHINOVNA

**COGNITIVE AND LINGUOCULTURAL SIGNIFICANCE OF
ANTHROPOONYMS IN LITERARY TEXT**

DISSERTATION

For master's degree

Specialty: - 5A120102

Linguistics (the English language)

The work has been discussed
and recommended for defense,
The Head of Department
Galieva M.R., Ph.D., As.Prof.

Scientific advisor:
PhD., As. Prof. M.R. Galieva

“__” 2015 y.

Tashkent – 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

РАМАЗОНОВА ЗЕБУНИСО ЯШИНОВНА

**АДАБИЙ МАТНДА АНТРОПОНИМЛАРНИНГ КОГНИТИВ ВА
ЛИНГВОМАДАНИЙ АҲАМИЯТИ**

5A120102 – Лингвистика (инглиз тили)
магистрлик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга тавсия этилди
Кафедра мудири
ф.ф.н., доцент М.Р. Галиева
“___” 2015 йил

Илмий раҳбар:
ф.ф.н., доцент
М.Р. Галиева

Тошкент - 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: 3 инглиз тили

Магистратура талабаси: Рамазонова З.Я.

Кафедра: Лингвистика ва инглиз адабиёти

Илмий раҳбар: Галиева М.Р.

Ўқув йили: 2014-2015

Мутахассислиги 5А120102

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарбилиги қўйидагилардан иборат: 1) мазкур иш тилшуносликнинг замонавий йўналишлари – когнитив стилистика ва лингвомаданиятшунослик нигоҳида бажарилган; 2) аллюзив антропонимларнинг когнитив аҳамияти ҳамда лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш муҳимлиги; 3) бадиий матн маълум бир лингвомаданиятнинг акс эттирувчи маданий бирлик сифатида ўрганилиши.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Бадиий матнда қўлланувчи антропонимларнинг когнитив ва лингвокультурологик аҳамиятини аниқлаш.

Илмий ишнинг обьекти – инглиз антропонимлари, хусусан аллюзив антропонимлар, унинг предмети – антропонимларнинг когнитив ва лингвокультурологик аҳамияти ва билимлар тузилмаларини, концептуал ахборотни фаоллаштиришдаги аҳамиятини аниқлаш.

Тадқиқот услубияти ва услублари: тавсифловчи метод, кузатиш методи, таққослаш ва умумлаштириш, семантический метод, интертекстуал таҳлил ва қисман компонент таҳлил методлари.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси қўйидагилардан иборат: инглиз лингвомаданиятида антропоним манбаларининг лингвокультурологик хусусиятлари таҳлил қилинди; аллюзив антропонимларнинг классификацияси амалга оширилди; аллюзив антропонимлар қатнашган аллюзив жараёнларнинг амалга ошиш принциплари ва шаклларини аниқланди; бадиий матнда концептуал ахборотни очища аллюзив антропонимнинг аҳамияти аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи. Ушбу тадқиқотнинг назарий хулосалари ва амалий материалларидан бир қатор лингвистик курслар – матн лингвистика, стилистика ва матн таҳлили, когнитив стилистика, лексикология, лингвокультурология фанларини ўқитишида фойдаланиш мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби. Мазкур диссертация кириш, 3 боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижаларидан: 1) аллюзив антропонимларнинг лингвокультурологик аҳамияти, антропоним манбаларининг лингвокультурологик хусусиятларини аниқланди; 2) аллюзив антропоним фразеологик бирликлар таркибий қисми сифатида билимлар тузилмалари турлари бўйича классификация қилиш; 3) аллюзив антропонимларнинг бадиий матнда тутган ўрнини аниқлаш ҳамда концептуал ахборотни очиб беришдаги аҳамиятини таҳлил этилганида.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Антропонимлар, шу жумладан аллюзив антропонимлар когнитив ва лингвокультурологик аҳамиятга эга бўлиб, бадиий матнда диний, мифологик, тарихий, адабий билим тузилмаларини ифода этишда ҳамда бадиий матндаги концептуал ахборотни юзага чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадирлар. Диссертация мавзуси қиёсий-чоғиштирма ёндашув нигоҳида давом эттирилиши мумкин.

Илмий раҳбар

М. Галиева, ф.ф.н., доц.

Магистратура талабаси

З. Рамазонова

**MINISTRY OF THE HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

UZBEK STATE WORLD LANGUAGES UNIVERSITY

Faculty: III English Language

Master's Student: Z. Ramazonova

Department: Linguistics and English Literature

Scientific advisor: M. Galieva

Year: 2014-2015

Specialty: 5A120102

ANNOTATION OF MASTER'S DISSERTATION

Topicality of the research is conditioned by the followings: 1) that it is done in the framework of new anthropocentric linguistic trends – Cognitive Stylistics and Linguoculturology; 2) by the analysis of cognitive and linguocultural significance of anthroponyms; 3) by the importance of studying literary text as a cultural unit; 4) by the necessity of studying stylistic devices taking into consideration new approaches

Aim and tasks of research: to distinguish cognitive and linguocultural significance of anthroponyms.

Subject and object of research: the object of the research are English anthroponyms, in particular allusive anthroponyms, the subject is their cognitive and linguocultural significance.

Methods of research: descriptive-analytic, comparative method, semantic analysis, intertextual analysis, partially componential analysis

The degree of novelty of the research is determined by the followings: linguocultural peculiarities of the sources of English anthroponyms were distinguished; the classification of anthroponyms according to knowledge structures they reflect was done; cognitive and linguocultural significance of anthroponyms in a literary text were distinguished; the conceptual significance of anthroponyms in a literary text was defined.

Practical value and degree of embed: the research contributes to the theoretical problems of intertextuality and precedent text theories as well as Cognitive Stylistics and Text linguistics. The material of the research can be used in delivering lectures and practical lessons on Cognitive Stylistics, Linguocultural Studies, Stylistics and Text Interpretation, in writing research works, text books and manuals.

The results obtained: cognitive and linguocultural significance of anthroponyms were defined; the classification of allusive anthroponyms according to knowledge structures they reflect was carried on; the role of anthroponyms in revealing conceptual information of the literary work was determined.

The structure of the dissertation consists of introduction, three chapters, conclusion and the list of used literature.

General summary and recommendations. Anthroponyms, in particular allusive anthroponyms are conceptually and linguoculturally significant units. Being used in a literary text they represent and activate religious, mythological, historical and literary knowledge structures. The decoding of anthroponyms in the literary text helps to reveal the conceptual information laid on the base of a certain literary work. Dissertation can be continued in the framework of Comparative linguistics.

Scientific advisor

M. Galieva, PhD, As. Prof

Master's student

Z. Ramazonova

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I БОБ. ИЛМИЙ ИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Когнитив стилистика ва унинг асосий тушунчалари
- 1.2. Лингвокультурология фани ва унинг асосий тушунчалари
- I - Боб бўйича хulosалар.....

II БОБ. АТРОПОНИМЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК АҲАМИЯТИ

- 2.1. Инглиз лингвомаданиятида антропоним манбаларининг
лингвокультурологик хусусиятлари
- 2.2. Инглиз лингвомаданиятида антропонимларнинг структурал
хусусиятлари
- 2.3. Аллюзив антропоним фразеологик бирликлар таркибий қисми сифатида
(билимлар тузилмалари турлари бўйича классификация)
- II - Боб бўйича хulosалар.....

III БОБ. АНТРОПОНИМЛАРНИНГ БАДИЙ МАТИЛАГИ КОГНИТИВ АҲАМИЯТИ

- 3.1. Интертекстуаллик ва прецедентлик тушунчалари
- 3.2. Аллюзив антропоним тушунчаси
- 3.3. Бадиий матнда аллюзив антропонимларнинг хусусиятлари
- 3.4. Бадиий матнда концептуал ахборотни очишда аллюзив антропонимнинг
аҳамияти
- III Боб бўйича хulosалар

Умумий хulosалар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Ушбу тадқиқот иши антропонимларнинг когнитив ва лингвокультурологик аҳамиятини тадқиқ этишга бағишенгланган бўлиб, тилшуносликнинг замонавий йўналишлари бўлган Когнитив лингвистика, Когнитив стилистика, Лингвокультурология ва Матн Лингвистикаси фанлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Бугунги кунда тилшунослик фани ривожининг янги босқичида кўпгина лингвистлар диққат марказида турган аллюзив тил бирликларининг когнитив аҳамияти (билимлар тузилмалари)ни фаоллаштирувчи механизм сифатида қаралиши ҳамда маданий-тарихий ассоциацияларни юзага чиқариш қўроли сифатида талқин муҳим аҳамият касб этмоқда. Диссертация муаммоси интертекстуаллик назарияси, шунингдек, инсоннинг дунёни англашида тил ва маданиятнинг ўзаро боғликлиги, маданиятнинг тил орқали ифодаланиши, тилда акс этиши, тил бирликларини когнитив нуқтаи назардан ўрганиш, матн ёки унинг бўлагига маданиятнинг акс эттирувчиси (маданий бирлик) сифатида қараш каби муаммолар билан боғлиқ. Юқорида келтирилганлар тадқиқот мавзусининг нечоғлик муҳим ва ўрганилиши лозим эканлигини белгилайди.

Мавзу бўйича қисқа адабиётлар таҳлили. Аллюзияларни ўрганиш соҳасида етарлича тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада (И.В. Гюббенет, А.С. Евсеев, И.М. Клочкова, А.Г. Мамаева, Л.А. Машкова, И.В. Арнольд, Л.В. Полубиченко, М.Д. Тухарелли), аллюзив антропонимларнинг ўзига хос хусусиятларини тизимга солиш, тартиблаш ва умумий хулосалар чиқариш ҳануз долзарб масалалрдан бири бўлиб қолмоқда. Аллюзив антропонимларнинг хусусиятлари М.А. Захарова (2004), А.Б. Щреннова (2010), М.А. Соловьева (2004), С.В. Перкас (2005), Д.Б. Гудков (1999) каби изланувчиларнинг ишларида ва мақолаларида қисман тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг мақсади – бадиий матнда қўлланувчи антропонимларнинг когнитив ва лингвокультурологик аҳамиятини аниқлаш.

Кўйилган мақсадга эришиш йўлида қуидаги **вазифалар** амалга оширилади:

- когнитив лингвистика, когнитив стилистика ва лингвокультурологиянинг асосий тушунчаларини ёритиш; стилистик воситаларни ўрганишга когнитив нуқтаи назардан янгича ёндашув моҳиятини очиб бериш;
- интертекстуаллик феномени мазмун-моҳиятини ўрганиш, унинг асосий белгилари, сигналларини аниқлаш, бадиий матндаги вазифаларини аниқлаш;
- прецедентлик тушунчаси ҳамда унинг тилда ифодаланиш ва сақланиш усулларини ўрганиш;
- аллюзив антропонимларнинг лингвокультурологик аҳамиятини, антропоним манбаларининг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш;
- аллюзив антропоним фразеологик бирликлар таркибий қисми сифатида билимлар тузилмалари турлари бўйича классификация қилиш;
- аллюзив антропонимларнинг бадиий матнда тутган ўрнини аниқлаш ҳамда концептуал ахборотни очиб беришдаги аҳамиятини таҳлил этиш.

Тадқиқот обьекти – инглиз антропонимлари, хусусан аллюзив антропонимлар

Тадқиқот предмети – антропонимларнинг когнитив ва лингвокультурологик аҳамияти ва билимлар тузилмаларини, концептуал ахборотни фаоллаштиришдаги аҳамияти.

Тадқиқотнинг асосий фарази. Антропонимлар, шу жумладан аллюзив антропонимлар когнитив ва лингвокультурологик аҳамиятга эга бўлиб, бадиий матнда диний, мифологик, тарихий, адабий билим тузилмаларини ифода этишда ҳамда бадиий матндаги концептуал ахборотни юзага чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадирлар.

Тадқиқот методлари. Кўйилган мақсадга эришиш учун ушбу тадқиқот ишида қуидаги таҳлил методларидан фойдаланилди: тавсифловчи метод, кузатиш методи, таққослаш ва умумлаштириш, далилий лисоний мисолларни йиғишиш ва классификация қилиш, тадқиқ этилаётган тил бирликлари семантикасини ўрганишга қаратилган семантик таҳлил методи,

матнлараро муносабатларни аниқлашга қаратилган интертекстуал таҳлил, миқдорий таҳлил ва қисман компонент таҳлил методлари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат: инглиз лингвомаданиятида антропоним манбаларининг лингвокультурологик хусусиятлари таҳлил қилинди; аллюзив антропонимларнинг классификацияси амалга оширилди; аллюзив антропонимлар қатнашган аллюзив жараёнларнинг амалга ошиш принциплари ва шаклларини аниқланди; бадиий матнда концептуал ахборотни очища аллюзив антропонимнинг аҳамияти аниқланди.

Тадқиқот материали – аллюзив антропоним қатнашган фразеологик бирликлар, бадиий матндан намуналар, жумладан, О'Генрининг қисқа ҳикоялари - “The skylight room”, “Conscience in Art”, “Shoes”, “A Madison Square Arabian Night” ва бошқалар.

Методологик асослари. Матнни ҳар томонлама чукур ўрганиш фақатгина китобхон тезаурусидаги муаллиф ва тасвирланаётган маданий-тарихий давр ҳақида қўшимча маълумотлардан фойдаланишни назарда тутиб қолмай, балки матн тузилиши ва моҳиятини мураккаблаштириб, қўшимча ахборот етказиб беришга хизмат қиласиган бирликларни аниқлаш ва тушунишни кўзда тутади. Диалогиклик концепцияси нуқтаи назаридан муаллиф дунёқараши ва бошланғич матн ўзига хосликларини акс эттирувчи “бегона сўз” муаммоси муҳим аҳамиятга эгадир. Бу интертекстуалликнинг умумий назарий масалаларига бағишлиган бир қатор тадқиқотларда ўз аксини топган (М.М. Бахтин, Ю. Кристева, Р. Барт, Ю.М. Лотман, М. Ороц, Ж. Женетт, Р. Лахманн). Бундан ташқари ахборотни декодлаш усуллари ривожига (И.В. Арнольд), вертикал контекстнинг ишлаш, амалга ошиш принципларини ўрганишга (О.С. Ахманова, И.В. Гюббенет, Л.А. Машкова, Т.Я. Кузнецова) кенг йўл очилди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, у интертекстуаллик ва прецедентлик назариялари, интертекстуалликнинг турли маркерлардан фойдаланиб бадиий матнга прецедент матнни жойлаштириш имконини

бериши, турли билимлар тузилмасини акс эттириши, бадий матнга маданий-тарихий ахборотларни киритишнинг лингвистик механизмлари келтириш муаммолари тадқиқотини давом эттиради. Тадқиқот матн лингвистикаси, когнитив стилистика, декодлаш стилистикаси, лингвокультурология каби филология фанларининг тушунчала ва тамойилларини ишлаб чиқиша аҳамиятли.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот материалларидан бир қатор лингвистик курслар – матн лингвистика, стилистика ва матн таҳлили, когнитив стилистика, лексикология, лингвокультурология фанларини ўқитиша фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси ЎзДЖТУ Лингвистика ва инглиз адабиёти кафедраси йиғилишида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия қилинган. **Тадқиқот натижалари бўйича 2-та мақола нашр этилган:**

Тадқиқот таркиби. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, унинг обьекти, предмети, қўлланилган услублар аниқланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти белгиланган.

Биринчи бобда тадқиқотнинг назарий асослари баён қилиб берилган бўлиб, унда когнитив лингвистика, когнитив стилистика ҳамда лингвокультурология фанларининг асасий туўунчалари ёритиб берилган.

Иккинчи бобда антропонимларнинг лингвокультурологик аҳамияти, жумладан, инглиз антропонимлари манбаларининг лингвокультурологик ва структурал хусусиятлари, аллюзив антропонимларнинг фразеологик бирликлар таркибий қисми сифатида билимлар тузилмалари турлари бўйича классификацияси тақдим этилган.

Учинчи бобда интертекстуаллик ва прецедентлик тушунчалари, аллюзив антропонимларнинг интертекстуал моҳияти ва бадий матнда касб

этадиган ўзига хос хусусиятлари, ҳамда асарнинг концептуал ахборотни юзага чиқаришдаги роли аниқланган.

Хулоса қисмида диссертацион тадқиқот ишининг натижалари умумийлаштирилган, антропонимларни ўрганишнинг кейинги истиқболлари баён этилган.

I БОБ. ИЛМИЙ ИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Когнитив стилистика ва унинг асосий тушунчалари

Когнитив лингвистика замонавий тилшуносликда жадал ривожланиб бораётган фан сифатида муҳим ўрин эгаллайди. В.З. Демьянков ва Е.С.Кубрякованинг таърифига асосан, когнитив лингвистикада тилга ахборотни кодлаш ва етказиб бериш вазифаларини бажарувчи когнитив механизм сифатида қаралади (КСКТ, 1996, б. 53-55). Ушбу фан ахборотни қабул қилиш, тушуниш, англаш, фикр юритиш ҳамда уларнинг ақлий намоён бўлиш шакллари билан боғлиқ ақлий жараёнларни ўз ичига олади. Замонавий тилшуносликда когнитив лингвистиканинг жадал ривожланиши тилдаги кўп сонли мунозарали муаммоларни тадқиқ этишда мураккаб, кўп тармоқли (турли фанларни қамраб оладиган) йўналишлардан самарали ва истиқболли фойдаланишни талаб этади. Шунга кўра когнитив лингвистиканинг уч тармоғи жадал ривожланиб бормоқда: а) когнитив грамматика; б) когнитив семантика; в) когнитив стилистика.

Тилшуносликда когнитив лингвистиканинг назарий асослари бир қанча соҳалар, хусусан, стилистика фанида янги қарашлар, нуқтаи назарлар ва фикрларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлиб, уларнинг асосида стилистик муаммоларнинг янги принциплари ва таҳлил методлари яратилишига хизмат қилди (Джусупов, 2011). М. Фриман ҳам айнан когнитив лингвистика стилистик таҳлилга янги ёндашувларнинг пайдо бўлишига асос бўлиб хизмат қилди, деб ҳисоблайди.

Д.У. Ашуррова когнитив лингвистика ва когнитив стилистиканинг умумлаштирувчи хусусиятлари сифатида қўйидагиларни қайд этади:

- тилга билиш ва мулоқот воситаси яъни ақлий ҳодиса, когнитив механизм сифатида қаралади;
- тил ижодий ва таъсирчан ифодавий (образли) хусусиятлари билан характерланади;

- когнитив стилистика когнитив тилшунослик каби тилда акс этган ахборотни интерпретация, категоризация ва концептуализация қилиш жараёнларини қамраб олади;
- ҳар иккиси тилга инсон факторининг таъсири билан боғлиқ антропоцентрик парадигмага хос хусусиятлар билан характерланади (Ашуррова, 2011).

Л.Г. Лузина когнитив лингвистика ва когнитив стилистиканинг ўзаро боғлиқлигини қўйидагича ифодалайди: “Стилистикадаги когнитив йўналиш, умуман олганда, икки турдаги тадқиқотларни бирлаштирувчи омил сифатида талқин этилади: 1) стилистикада мавжуд қарашларнинг умумий ҳолатини когнитив лингвистика асосида қайта ишлаб чиқишига қаратилган тадқиқотлар; 2) стилистика соҳасида анъанавий ёндашиб келинган стилистик воситалар ва бирликлар, тилнинг ифодавий бирликларини янгича – когнитив асослаш, талқин этишни кўзда тутувчи тадқиқотлар” (Лузина, 2000, б. 208). Стилистиканинг асосий тушунчаларини когнитив асослаб беришда уларнинг когнитив лингвистиканинг муҳим аҳамиятга эга муаммоларини тадқиқ этишда иштирок этишини қайд этиш лозим (матнни тушуниш ва интерпретация қилиш, ёзувчи ёки сўзловчининг мақсади ва хоҳиш-истаги, тил бирликларининг танланиши, матннаги маълумотни стилистик жиҳатидан кодлаш ва декодлаш ва бошқалар) (Лузина, 2000, б. 208).

Г.Г.Молчанованинг таъкидлашича, когниция жараёнларини ўрганишда тилнинг стилистик табиатини, масалан, метафора, метонимия, жонлантириш, гипербола, аллюзия, антономазия каби бадиий, адабий ёки риторик тил аспектларини аниқлаш учун когнитив лингвистика принциплари ва қарашларининг натижавийлиги муҳим ўрин тутади (Молчанова, 2007, б.33).

Шундай қилиб, когнитив стилистика ўтган асрнинг 90 йилларида пайдо бўлган янги лингвистик йўналиш ҳисобланади. Ушбу дисциплина ҳали шаклланиш (ривожланиш) босқичида эканлигига ва ҳали умумэътироф этилган ўрни ва аҳамияти, қонун-қоидалар тизимиға эга бўлмасада, когнитив стилистика муаммолари билан боғлиқ кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ушбу фаннинг асосий қарашлари унинг асосчилари асарларида кўрсатиб ўтилган: Маргарет Фриман “Poetry and Scope of Metaphor: Toward a cognitive Theory of Literature”, “The Body in the Word: A cognitive Approach to the Shape of a Poetic Text”; Э.Семино “A Cognitive Stylistic Approach to mind, Style in Narrative Fiction”; П.Стоквелл “Cognitive Poetics”; Ж.Гавинс ва Ж.Стин “Cognitive Poetics in Practice” ва бошқалар. Когнитив стилистиканинг алоҳида умумназарий қонуниятлари Д.У.Ашурева (2003; 2005, 2010), Н.М.Джусупов (2010; 2011), Г.Г.Молчанова (2001), Л.Г.Лузина (2000) ҳамда хориж муаллифларидан К.Уэльс (2001), М.Берк (2004), П.Симпсон (2004), Н.Арлаускайт (2004)лар томонидан ўрганилган.

Когнитив стилистиканинг пойдевори когнитив лингвистика доирасида амалга ошириладиган психологик экспериментлар асосидаги тадқиқотлардир (Джонсон, 1987; Рош, 1973; Ларкофф 1993; Тернер, 1996). Ушбу экспериментлар натижасида маъно тилда мавжуд бўлмайди, балки тил орқали ифодаланади, деган хуносага келинади. Тил – шунчаки алоҳида белгилар тизими эмас, балки когнитив лингвистикада “embodied understanding” тушунчаси билан ифодаланадиган инсон онгининг жараёнлар, қўникума ва малакаларни концептлаштириш қобилиятига имкон яратувчи умумий когнитив жараёнлар жамланмаси ҳамдир (Джонсон, 1987). Когнитив стилистика фанинг шакланиши, маълум даражада Дж. Ларкофф ва М. Джонсоннинг “Metaphors We Live by” асарининг яратилиши билан боғлик. Ушбу асарда метафораларни когнитив нуқтаи назардан ўрганиш фикри таклиф этилади. Бу асар гуманитар фанлар тадқиқотчилари орасида катта қизиқиши уйғонишига сабаб бўлди ва стилистик бирликларни бутунлай янги илмий тадқиқот майдонида ўрганишни бошлаб берди.

М.Фриманнинг фикрича, когнитив стилистика бадиий матнларнинг тузилиши ва мазмунини очиб берадиган инсоннинг фикр юритиш, мулоҳаза қилиш жараёнларини изоҳловчи кучли қурол, асосий назариядир (Фриман, 2008). К.А.Андреева эса уни бадиий матнни яратиш ва таҳлил қилиш жараёнлари билан инсоннинг билиш фаолиятидаги умумий когнитив

механизмларнинг умумий боғлиқликларини ўрганадиган фан деб ҳисоблайди (Андреева, 2005). А.А.Таджибаева когнитив стилистикани янги жадал ривожланиб бораётган фан сифатида қайд этиб, у бадиий матн билан ишлаш жараёнида китобхоннинг онгидаги кечәётган жараёнларни очиб беришга хизмат қиласи, деб таъкидлайди. Шу йўсинда когнитив стилистика ўқиши, тушуниш ва интерпретация қилиш жараёни билан ўзаро боғлиқдир (Таджибаева, 2010).

Д.У.Ашуреванинг қайд этишича, замонавий тилшуносликнинг илғор принципларига асосланган замонавий стилистик назарияси қўйидаги белгилар билан характерланади:

- а) олга сурилган муаммоларнинг янги ечимини топиш йўллари;
- б) турли билим соҳаларига оид тушунчалар, қарашлар ва атамаларнинг бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланиши ва бойиши;
- в) анъанавий илмий тасаввур ва қарашларни қайта кўриб чиқиш;
- г) янги тадқиқот методларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш (Ашурева 2005).

Ушбу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда, Н.М.Джусупов когнитив стилистикани умумий стилистика тараққиётига хизмат қилувчи босқичлардан бири деб билади. У анъанавий стилистика ютуқларини бойитиб, тилни ўрганиш фақат лингвистика доирасида чегараланиб қолмасдан, балки бошқа фанлар билан ҳам алоқадорликда кенг майдонда олиб борилиши лозим деб ҳисоблайди. Бугунги кунда тил билан боғлиқ фанлар шундай даврни бошдан кечирмоқдаки, турли муаммо ва вазифаларни ҳал этишда анъанавий қарашлар етарли бўлмай қоляпти. Шунинг учун ҳам илмий фаразлар ривожланишининг замонавий шарт-шароитлари биринчи ўринга инсон фактори аҳамиятини қўядиган, тилга комплекс асосда ёндашишни назарда тутувчи янги йўналишларнинг пайдо бўлишини талаб қилмоқда (Джусупов, 2011). П.Симпсоннинг таъкидлашича, стилистиканинг когнитив моделини бошқаларидан ажратиб турувчи асосий фактор – бу унда

асосий урғу текстуал репрезентацияга эмас, ақлий репрезентацияга күйилади (Симпсон 2004, б. 92).

Когнитив стилистика, Д.У.Ашуреванинг фикрига кўра қуйидаги муаммоларни тадқиқ этади:

- Когнитив услугб муаммолари;
- Когнитив метафора назарияси;
- Стилистик воситаларнинг когнитив типологияси;
- Матнни яратиш ва уни идрок қилишнинг когнитив принциплари;
- Фигура ва фон назарияси (Ашурова, 2011).

М.Фриман ва У.Кронквист когнитив стилистика қуйидаги масалаларни қамраб олади, деб ҳисоблайдилар:

- ✓ Элеонор Рошнинг прототипларга асосланган категоризация назарияси;
- ✓ Когнитив метафора назарияси;
- ✓ Концептуал Блендинг яни аналогия назарияси (blending, analogical mapping);
- ✓ Ақлий макон назарияси;
- ✓ Когнитив нарратология принциплари;
- ✓ Когнитив дейксис (М.Фриман, 2002).

Н.М.Джусупов “Когнитивная стилистика: современное состояние и актуальные вопросы исследования” мақоласида қайд этишича, когнитив стилистика тадқиқотлари қуйидаги муаммолар билан боғлиқ:

- Матнда (лисоний/лисоний бўлмаган) ахборотни танлаш ва ташкил этиш;
- Стилистик воситалар ва матн категорияларини когнитив ёндашув асосида асослаш;
- Матнни идрок этиш, тушуниш ва интерпретация қилиш каби когнитив жараёнларни ўрганиш;
- Стилистик таҳлил жараёнларида тадқиқот усуллари ва лингвокогнитив методларни ишлаб чиқиши.

Муаллиф тадқиқот жараёнида бир қатор назария ва принципларни когнитив стилистиканинг долзарб муаммолари сифатида биринчи ўринга қўяди:

- ❖ Стилистик воситалар ва ифодавий бирликларни когнитив нуқтаи назардан тадқиқ этиш;
- ❖ Матнда ахборотни ташкил этишнинг когнитив принциплари;
- ❖ Ахборотни илгари суриш назарияси;
- ❖ Концептуал интеграция назарияси;
- ❖ Концепт тушунчаси;
- ❖ Инференция ҳодисаси;
- ❖ Концептуал ахборот назарияси (Джусупов, 2011).

Когнитив стилистиканинг асосий муаммоларидан бири – бу тилнинг ифодавий бирликлари ва стилистик воситаларини тадқиқ этиш. Анъанавий усулда стилистик воситалар структуравий ва семантик тузилиши ҳамда стилистик вазифасига кўра ўрганилади. Д.У. Ашурева таъкидлаганидек, стилистик воситаларни таҳлил қилишда анъанавий ёндашув стилистик воситаларнинг билимлар тузилмаларини идрок этишга йўналтирувчи ақлий, онгий жараёнларни акс эттирадиган ва концептуал дунё тасвирини яратишга хизмат қиласиган ички туб моҳиятини тўлиқ очиб беролмайди (Ашурева, 2005, б.8). Шунга асосланган ҳолда, тадқиқотчи стилистик воситанинг яхлит концепциясини ва уни билимларни намойиш этишнинг алоҳида муҳим тизими сифатида талқин этиш зарурияти пайдо бўлганлигини қайд этади (Ашурева, 2005, б.8).

Ушбу ҳодисаларни ўрганишга когнитив ёндашиш стилистик воситаларни матндаги концептуал ахборотни етказиб бериш, концептуал дунё тасвирини очиб бериш қуроли сифатида қабул қилишга ёрдам беради. Стилистик воситаларнинг структураси ва типологияси маълум когнитив принципларга ассоланади. Иконийлик когнитив принципи градация, эпитет, зевгма, антитета, параллел қурилмалар, ономатопея каби стилистик воситалар учун асос бўлиб хизмат қилса, тил тежамкорлиги когнитив

принципи метафора, метонимия, жонлантириш, антономазия, аллюзия, символ каби стилистик воситаларнинг пойдеворидир. Ортиқчалик когнитив принципи тақорнинг барча турлари, перифразалар ва редупликацияларнинг асоси ҳисобланади.

Стилистик воситаларни билим тузилмаларини юқори даражада намоён этишнинг муҳим тузилмалари сифатида когнитив тадқиқ этиш уларнинг мураккаб мазмун-моҳияти ва вазифаларининг бир қатор аспектларини очиб берилишига йўл беради: авваламбор, когнитив жараёнларнинг ўзига хосликлари ва уларни ташкил этишнинг турли механизмлари, стилистик релевант маълумотни етказиб беришнинг моделлари ва асосий принциплари, стилистик эффект ҳосил қилиш, лисоний ва лисоний бўлмаган билимлар тизимини ўзаро боғлиқларини аниқлаш.

“Билимлар тузилмалари” тушунчаси жуда аҳамиятли. Ушбу тушунча когнитив лингвистика ва когнитив стилистиканинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, фанда турли атамалар билан ифодаланади (билимлар жамғармаси, энциклопедик билимлар, билим манбалари, билимлар йиғилмаси ва хк.). Терминологиядаги хилма-хилликларга қарамасдан, умуман олганда, билим тузилмалари ўзаро боғланган концептлар тизимидан иборат билимлар ёки ахборотлар тўплами, жамланмаси сифатида қаралиши мумкин (Ашурова, Галиева, 2013). Тилга когнитив ёндашишга ҳам айнан билим тузилмаларининг тил бирликлари орқали ифодаланиш механизмларини ўрганиш зарурияти сабаб бўлган. Когнитив лингвистикада билим – атроф-муҳит ва дунёни идрок этишнинг натижаси, реалликнинг инсон онгида акс этиши, кишиларнинг қарор қабул қилиш ва хулоса чиқаришида муҳим ўрин тутадиган дунёқарашини шакллантирувчи вербал ва новербал малакалар маҳсули сифатида қаралади (Герасимов, 1988, б.14). Билим тузилмаларининг лингвистик ва лингвистик бўлмаган (экстралингвистик) хусусиятли хилма-хил турлари мавжуд. Концептлар билимлар тузилмалари таркибидан муҳим ўрин эгаллайди ва концептуализация жараёнида “лингвистик бирликлар концептуал ҳодиса ва

жараёнларнинг амалга ошиши ҳамда билим жамланмаларининг инсон онгидагайта тикланиши, акс этишига хизмат қиласи” (Эванс, 2006, б.160). Бу ҳодиса, Лангакер таъкидлаганидек, маънонинг концептуализация қилинишини талаб қиласиган динамик ва ақлий жараён сифатида қаралишига асосланади (Langacker, 1988, б. 50). Шундай қилиб, билим тузилмалари лингвистик бўлмаган, инсоннинг ҳаётий тажрибасига асосланган билим бўлиб, лингвистик бирликлар орқали ўз ифодасини топади.

Когнитив стилистиканинг муҳим тушунчаларидан яна бири бу ахборот тушунчасидир. Ахборот бу кишилар ўртасидаги мулоқот жараёнида тил бирликлари ёрдамида ифодаланадиган ва етказиб бериладиган билимдир (КСКТ, 1996). И. Р. Гальпериннинг фикрига кўра, ахборотни қуидаги турларга ажратиш мумкин: фактга асосланган (аниқ) ахборот, матн ости (таг маъноли) ахборот, концептуал ахборот (Гальперин, 1981). Бундан ташқари, ахборотнинг когнитив ва контекстуал турлари ҳам фарқланади (Дейк, 1981). Когнитив ахборот билимлар, қарашлар, шахсий нуқтаи назарларни ўз ичига олса, контекстуал ахборот мулоқот, нутқ вазиятлари ва жараёнларини қамраб олади. Когнитив ёндашувнинг аҳамияти шундаки, у ҳам эски (таниш бўлган), ҳам янги (нотаниш) ахборотни биргаликда намоён қиласи (Принс, 1981). Шуни қайд этиш жоизки, когнитив стилистикада янги ахборот янги далиллар билан боғлиқ ҳолда акс эттирилиши шарт эмас. Матнда ахборотни тақсимлашнинг хилма-хил когнитив принциплари мавжуд бўлиб, булар иконийлик принципи, тил тежамкорлигига асосланган ахборотни илгари суриш принципи, ортиқчалик ва релевантлик принципларидир.

Матнни интерпретация қилиш жараёнида бериладиган ахборотни шакллантириш принципларини тадқиқ этиш, когнитив стилистикада ахборотни илгари суриш тамойили каби долзарб муаммолар билан боғлиқ. Ушбу тамойил энг муҳим ахборотни ажратиб кўрсатувчи когнитив метод бўлиб, турли калит сўзлар воситасида матн интерпретациясини осонлаштириади. Д.У.Ашуррова айтганидек, ахборотни илгари суриш матннинг алоҳида қисми, бўлагига эътибор қаратиш орқали ахборот

қидирувини енгиллаштиради. Ахборотни илгари суриш назариясининг асл маъноси эшитувчи ёки тингловчининг эътиборини жамлаб, умумий ахборотнинг энг муҳим маъновий қисмларини алоҳида ажратиб қўрсатувчи элементлардан (услублар, схема ва фигуralар)дан иборат.

Ахборотни илгари суриш назарияси муаммоси тилшунослик учун янгилик эмас. Атаманинг кенг маънода лингвистик тадқиқотларда ишлатилиши ва кўпгина олимлар томонидан тан олиниши, Прага лингвистика мактаби намоёндалари, хусусан, Я.Мукаржовский номи билан боғлиқ. У ахборотни илгари суриш назариясини ифодалаш учун актуализация атамасини ишлатган (Мукаржовский, 1967). Улар актуализацияга кундалик сўзлашув нутқини бадиий нутққа айлантирувчи ўзига хос ижодий сўз ясовчи асосий жараён сифатида қараганлар. Кейинчалик ахборотни илгари суриш атамаси “foregrounding” Гарвин томонидан таклиф этилган. Нафақат атама, балки унинг маъноси ҳам ўзгарган. Энди ахборотни илгари суришни фақатгина алоҳида сўзлар билан эмас, балки тингловчининг диққатини у ёки бу информативлиги юқори бўлган матн қисмларига максимал даражада тортиш имконини беручи матнга хос турли услубий воситалар билан ҳам боғлашди. И.В.Арнольд ахборотни илгари суришни ўқувчи диққатини маълум хабар элементларига тортувчи ва бир ёки турли даражадаги элементлар орасида семантик релевант (маъновий алоқадор) муносабатни шакллантиришга хизмат қилувчи матн ташкил этишнинг формал усуллар мажмуи деб таърифлайлди (Арнольд, 1990, б.61).

Ушбу назарияни ўрганувчи тадқиқотчилар ахборотни илгари суриш турларининг хилма-хил классификацияларини тақдим этадилар. Кўп сонли тадқиқотчилар ахборотни илгари суриш тамойилига эришишнинг асосий усуллари сифатида конвергенция, боғланиш (сцепления), кутилмаган ниҳоя, мантиқий урғу, эмфатик қурилмалар, график воситалар, кучли позициялар, тил бирликларини такрорлаш ва бошқаларни қўрсатадилар (Арнольд, 2002; Ашуррова, 2012).

И.В.Арнольднинг фикрига кўра ахборотни илгари суришнинг умумий хусусиятлари қўйидагилар:

1. Матн ичида бирликлар ва маънолар иерархиясини ташкил этиш, маълумотнинг муҳим қисмини биринчи планга суриш;
2. Матннинг яхлитлиги ва узвийлигини таъминлаш, матнни идрок этишни осонлаштирувчи сегментларга ажратиш, матн қисмлари орасидаги ўзаро боғланишни ҳамда бутун матн билан унинг алоҳида ташкил этувчилари орасидаги боғлиқликни, мутаносибликни таъминлаш;
3. Хабарни ноаниқлардан, тўсиқлардан асраш, декодлаш жараёнини енгиллаштириш (ахборотни тартибли берилиши орқали китобхонга хали номаълум бўлган код элементларини олдинроқ тушуниб етишга ёрдам беради);
4. Ахборотни илгари суриш тамойили эстетик мазмунни шакллантиради ва бир қатор маъновий функцияларни бажаради. Улардан бири, юқорида таъкидланганидек, нутқнинг экспрессивлигига яъни таъсирчанлигидир.

Нутқнинг таъсирчанлиги деганда матн ёки матн бўлагининг шундай хусусияти тушуниладики, у орқали маъно кучайтириб берилади ва образли бўлган ёки бўлмаган ҳиссий ва мантиқий таъсирни оширади.

Когнитив стилистика соҳасида ахборотни илгари суриш тамойили янада чукурроқ маъноли, ўзига хос тушунча сифатида қаралади. Н.М.Джусупов айтганидек, ахборотни илгари суриш матнни тушуниш ва англашнинг харакатлантирувчи кучи сифатида қаралади. Ушбу тамойилни амалга оширишнинг усуллари когнитив стилистиканинг устувор муаммолари сифатида асослаб берилган ва самаралилик жиҳатидан истиқболли ҳисобланади ҳамда кўп жиҳатдан муаллиф услубига боғлиқ бўлади. Матндаги маълумотлар трансляцияга хос лисоний хусусиятлардан ташқари, ахборотни илгари суришни когнитив ёндашув асосида ўрганиш матннинг алоҳида услубий категорияларини когнитив томонларини очиб беради, хусусан, муаллиф услубининг ўзига хосликларини очиб беришга хизмат қиласи (идиостиль).

Ахборотни илгари суришнинг вазифалари ва матндаги маълумотни интерпретация қилишдаги муҳим роли ҳақида гапирганда шу нарсани унутмаслик лозимки, у “матнни идрок этиш ва тушунишга йўналтиради, фактат билимларни эмас балки, ҳис-туйғу, фикр ва қарашларни ҳам фаоллаштиради, тегишли маълумот қидиувини осонлаштиради, катта ҳажмли маълумотга бўлган талабни камайтиради” (Лузина, 1996, б.22). Юқоридагилардан хulosса қилиб айтганда, ахборотни илгари суриш воситаларини когнитив-стилистик тадқиқ қилиш орқали унинг лисоний ва лисоний бўлмаган бирликларининг умумий когнитив табиати аниқланади (Джусупов, 2011).

Адабий мантнинг стилистик тизимларини тадқиқ этиш жараёнида ахборотни илгари суриш назариясини тадбиқ этилиши характери, натижалар сони бўйича бенихоя катта маълумотларга эга бўлишни таъминлайди. Стилистик воситаларни ушбу назария билан яқин алоқадорликда ўрганиш юқори даражада матндаги асосий прагматик жиҳатдан таъминланган услубий вазифаларни адекват реализация қилишни таъминлайди ва уни тушунишнинг умумий даражасини оширади.

Хulosса қилиб айтганда, когнитив стилистика замонавий тилшуносликнинг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири бўлиб, стилистик воситалар ва ифодавий бирликларни когнитив нуқтаи назардан тадқиқ этишни назарда тутади. Когнитив стилистика когнитив услуб муаммолари, когнитив метафора назарияси, стилистик воситаларнинг когнитив типологияси, матнда ахборотни ташкил этишнинг когнитив принциплари каби муаммоларни тадқиқ этади.

1.2. Лингвокультурология фани ва унинг асосий тушунчалари

Маълумки, ҳозирги вақтда тилшунослик фанида тил бирликларини ўрганишда антропоцентрик ёндашув алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу ёндашув

жиҳатидан «инсон фактори» тил бирликларининг шаклланиши ва ривожланишида бирламчи факторлардан бири ҳисобланади. Ушбу антропоцентрик қарашнинг ривожланиши натижасида тилшунослиқда бир қатор янги фанлар, жумладан, лингвокультурология фани пайдо бўлди. Лингвокультурология лингвистика ва күльтурология уйғунлашуви натижасида юзага келган, тилда акс этган ва ифодасини топган, ўз семантикасида миллий-маданий маънони акс эттирадиган тил бирликларини ўрганувчи фандир. Лингвокультурологияда тилга маданиятнинг асосий умумлаштирувчи қисми ва жамоавий малакаларнинг бебаҳо хазинаси сифатида қаралади ҳамда маданиятнинг тилга, шунингдек, тилнинг инсон тафаккури ва дунёқарашига таъсирини ўрганиш назарда тутилади.

В.В.Воробьевнинг таърифлашича, лингвокультурология синтезлашган типга мансуб мураккаб илмий йўналиш бўлиб, тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқ муносабатини тизимли методлар ёрдамида тил бирликларида акс этишини тадқиқ этадиган фандир (Воробьев, 2008, б. 32). Лингвокультурология фанининг обьекти тилда акс этган маданий ахборот, маданият, унинг таркибий қисмлари ва тил воситасида ушбу маданиятни яратадиган кишилар преференцияси ташувчиси бўлган тилни тадқиқ этиш (Маслова, 2004, б.35). Фаннинг мақсади эса тилда ўз вербал намойишини топган маданий майдонни тадқиқ этиш, таърифлаш ва тавсифлаш (Красных, 2002, б.13).

Лингвокультурология фани ҳозирги кунда жадал ривожланиб бормоқда. Унинг тараққиёти (В.В.Воробьев, В.Н.Телия, В.А.Маслова, Е.И.Шейгал) «тил ва маданият» муаммосининг долзарблиги билан изоҳланади. Фанда маданият тушунчасига кўплаб ёндашувлар бор. Кенг маънода маданият – бу «объект ва қатъий белгиланган тартиб-қоидалар йиғиндиси бўлиб, инсоннинг хулқ-атвори, ҳатти-харакатлари, олган билимлари, ўзликни англаш, дунёнинг рамзий маъноларини тушуниш ва билиш шаклларини ўз ичига олади» (Левит, 1998). Н.Ш.Галлямова эса маданиятни инсонни инсон сифатида шаклланишининг асосий омили, усули

деб ҳисоблайди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, тил ва маданият ўзаро чамбарчас боғланган: тил маданият негизида пайдо бўлади, ривожланади ва айнан унинг ифодаловчиси ҳамдир. Ҳар қандай маданият қатъий эмас, у ўзини ўраб турган муҳит билан ҳамоҳанг ва боғлиқ равишда доимо ҳаракатда ва ўзгаришда бўлади (Маслова, 2001, б.19). Бу ўринда, тил маълумотларни йиғиш, сақлаш, авлоддан авлодга етказиб бериш вазифасини бажаради. Шу сабабли, лингвокультурологияда тилни нафақат билиш ва коммуникация воситаси сифатида, балки аниқ бир халқнинг миллий маданияти калити сифатида ҳам қаралади. Бу қарашнинг назарий асослари В.Гумбольдт, А.А.Потебня ва бошқа тилшунослар асарларида ҳам белгилаб берилган. Масалан, В.Гумбольдт: «Миллатим тилининг чегараси менинг дунёқарашим чегарасини белгилайди», - деб таъкидлайди. У ўз концепцияларида «шахс-тил-маданият» боғланмасини тасвирлаб беради. В.Гумбольдт назариясига кўра, тил – халқ руҳияти ва маданиятининг бебаҳо хазинаси бўлиб, халқ миллий маданиятини... шахснинг ички ва ташқи дунёси муносабатларини қамраб олади, шунинг учун ҳам ҳар бир тил ўзи тегишли бўлган халқ иродаси, дунёқарашини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, тил миллий қадриятларнинг асосий акс эттирувчиси сифатида миллатнинг дунёни кўриши, англаши ва идрок этишида кўзгу вазифасини ўтайди. В.Гумбольдтнинг издоши ишларида ҳам ушбу концепция давом эттирилган. Олим Э.Сепир тил “маданиятнинг умумий ҳолда тарақкий этишининг зарурий шарти ҳисобланади. Тил маданиятдан ташқари, алоҳида мавжуд бўла олмайди... Тил миллий маданиятнинг шаклланиши ва ривож топишига бевосита таъсир кўрсатиш қобилиятига эга” (Сепир, 1993, б. 223), “Маданиятни ўша жамият кишиларининг фикрлаш усуллари, хатти-ҳаракатлари йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин” (Сепир 1993, б.193), деб таъкидлаган.

В. фон Гумбольдтнинг сўзнинг ички тузилиши ҳақидаги қарашларини А.А.Потебня ўзининг “сўзнинг яқин ва узоқ маъноси” концепциясида ривожлантирди. Унинг фикрича, сўзнинг маъноси остида икки нарса ётади:

бири тилшунослик доирасидаги маъноси – яқин маъно; иккинчиси бошқа фанлар предметини ташкил этувчи – узоқ маъноси (Потебня, 1988, б. 7-8]. Бу назарияга кўра, сўзниг узоқ маъноси яқин маъносидан объект ҳақида тилдан ташқари, хаёлий ахборотни ифодалashi, сўзниг миллий-маданий ўзига хослиги ва бирор лингвомаданий муҳит учун маданий аҳамият касб этиши билан фарқ қиласи (Потебня, 1913, б.160).

Шундай қилиб, В.Гумбольдт, А.А.Потебня ва янги гумбольдтчилар мактаби намоёндалари (Вейсгербер Л., Сепир Э., Уорф Б) «инсон», «тил» ва «маданият» тушунчаларини ўзаро боғлиқлиқда ўрганиб, тил инсоннинг ўз-ўзини ва дунёни англашида муҳим ва алоҳида ўрин эгаллашини қайд этадилар.

Лингвокультурология фанининг асосий тушунчаларидан бири бу – лингвокультуремадир. Бу атама В.В.Воробьев томонидан таклиф этилган (Воробьев, 2008). Сўздан фарқли равишда лингвокультурема ўз таркибига нафақат тил (лисоний аҳамият касб этадиган), балки маданият (тилдан ташқари маданий маънолар) сегментларини ҳам олади. Тилда ифодаланиш усулига кўра лингвокультуреманинг хилма-хил турлари мавжуд. У бир сўз (ale, toast, brandy, biscuit, хоровод, каша, гап, атала), сўз бирикмаси (pudding face, русская печь, английский сдержанность, ўзбеклар меҳмондўст ҳалқ), абзац ва ҳатто бутун матн шаклида бўлиши мумкин.

Лингвокультуреманинг тузилиши (структураси) бошқа тил бирликларига қараганда анча мураккаб: у ўзида ҳам лисоний таассурот, ҳам тилдан ташқари муҳитни (ситуация, реалия) намоён этади. Шундай қилиб, тилни яхши биладиган кишида ҳар қандай сўзга маданий ореол ҳамроҳлик қиласи, бусиз матнни тўғри интерпретация қилиш мушкул ва баъзи ҳолларда умуман иложсиз. Тил бирликларини маданийлаштириш жараёни у ёки бу миллат доирасида маданий ассоциациялар тармоқлари мажмуаси яратилишига олиб келади.

Ў.Қ.Юсупов лингвокультуремани қуйидагича талқин этишни тавсия этади: «Лингвокультурема ўз семантикасида маданиятнинг бирор бўлагини

акс эттирувчи тил ёки нутқ бирлигидир. Улар сўз (туб, ясама, қўшма ва мураккаб сўзлар), сўз бирикмалари, иборалар, гап, паремия, мураккаб синтактик бутунлик, матн ва ҳоказолар бўлиши мумкин» (Юсупов, 2010). В.А.Маслова лингвокультуре маларни 9 хил турга ажратади: 1) тилнинг эквивалентсиз луғат қатлами – реалиялар (миллий либослар, таомлар, маросим ва байрамлар, анъаналар, айрим буюм номларини ўз ичига олади) ва лакуналар; 2) мифологемалар – архетиплар, афсонавий қаҳрамонлар, образлар, маросим ва удумлар, ритуаллар; 3) тилнинг паремиологик фонди (мақоллар ва ҳикматли сўзларни ўз ичига олади); 4) тилнинг фразеологик фонди; 5) эталонлар, стереотиплар, символлар; 6) метафора ва образлар (тимсоллар); 7) турли тилларнинг стилистик қатламлари (адабий/ноадабий шакллар ва ҳ.к.); 8) нутқий ахлоқ ва феъл-атвор; 9) нутқ этикети (Маслова, 2001).

Лингвокультурологиянинг асосий тушунчаларидан яна бири «дунё тасвири» тушунчасидир. «Дунё тасвири» - бу умумий онгда тўпланган рамзлар ва тимсолларнинг яхлит бутунлиги бўлиб, инсоннинг янги дунёвий билимларни эгаллашига ва ўз тафаккури ва тасаввурини ривожлантиришига ҳисса қўшади ва инсон дунёқарашининг ядросини ташкил этиб, унинг турмуш тарзининг асосий ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттиради. Когнитив ёки концептуал дунё тасвири “дунёнинг яхлит глобал рамзи” (Постовалова, 1988:19), “маданият негизида пайдо бўлиб, онгда акс этадиган стереотип ва концептосфералар жамланмаси” (Попова, Стернин, 2007, б. 52), “реаллик ҳақидаги интуитив (ички ҳиссий) қарашлар тизими” (Руднёв, 1997, б.127) деб таърифланади. Концептуал дунё тасвири инсоннинг воқеъликка асосланган билиш жараёни натижаси сифатида унинг дунё ҳақидаги тушунча ва қарашлари, когнитив малакаларини акс эттирадиган тартибга солинган ахборот ва билимлар тизими ҳисобланади. Концептуал дунё тасвири «дунёнинг лисоний тасвири» орқали намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, концептуал дунё тасвири инсон онгидаги билимлар йиғиндиси бўлса, лисоний тасвир дунё тасвирини тил бирликлари ёрдамида

вербаллаштиради. Лисоний дунё тасвири муаммоси бир неча тилшунослар асарларида тадқиқ этилган (З.Д. Попова, М.Л.Макаров, А.Вежбицкая, С.Г.Воркачев, Ю.С.Степанов ва бошқалар). М.В.Пименова лисоний дунё тасвирини “тилда акс этган дунё ҳақидаги билимлар жамланмаси, янги билимларни эгаллаш ва интерпретация қилиш усуллари” сифатида талқин этади (Пименова, 2004:5). Концептуал дунё тасвири ва лисоний дунё тасвири “ментал ҳодиса ва унинг тилда ифодаланиши ёки билиш мазмуни ва бу мазмунни очиб бериш воситаси сифатида” бир-бирига қатъий боғланган ва доимо ўзаро муносабатда бўлади (Попова, Стёрнин, 2007:56), чунки лисоний структуралар концептуал дунё тасвирини яратишда бевосита иштирок этади (Красных, 2003, б. 67).

Ҳозирги замон тилшунослигига дунёнинг концептуал ва лисоний тасвирлари билан бир қаторда «миллий дунё тасвири» тушунчаси ҳам кенг кўлланмокда. Маълумки, дунёдаги барча мамлакатлар ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, ўтмиш тарихи, маданий ривожланиши ва турмуш тарзи жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласи, ҳар бир халқ дунёни ўз миллий маданияти ва менталитети кўзгуси орқали кўради, қабул қиласи ва англайди. Шу асосда тилда акс этувчи ўзига хос умуммиллий аҳамиятга эга ўз миллий дунё тасвирини яратади. Тил инсоннинг дунё ҳақидаги билимларининг шаклланиши, мавжуд бўлиши ва сақланишининг асосий воситаси сифатида дунёни тушуниш ва англашга хизмат қиласи. Бу Р.М.Фрумкинанинг фикрича, айнан бир хил сўз ёки номларнинг турли кишилар онгига хилма-хил акс этиши (намоён бўлиши) билан боғлиқ. Факат турли тиллар воқеа-ходисани хилма-хил концептуаллаштирмайди, балки айнан битта тилга хос сўз турли кишилар онгига хилма-хил концептларни ҳосил қилиши мумкин (Фрумкина, 1992, б.3). Миллий дунё тасвири бир миллат кишиларининг стереотиплашган вазиятларда, воқеа-ходисалар, мақол, ҳикматли сўз, афоризмларга муносабатларда миллийлик ва умумийликни касб этади. Миллий дунё тасвирининг вербаллашувида тил катта роль ўйнайди. Зеро, тил – бу маданият воситачиси, унинг тарқатувчисидир. Тил ўзида сақлаб

келадиган миллий-маданий бойликларни авлоддан авлодга етказади. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу тушунчалар айрим жиҳатлари билан фарқлансада, улар доимо ўзаро боғлиқликда бўлади.

Шундай қилиб, тилшуносликка оид назарий адабиёт таҳлили натижасида биз қуидагиларни эътироф этишимиз мумкин: а) лингвокультурология тилшуносликда тил ва маданият боғлиқлигини ўрганадиган янги йўналишдир; б) лингвокультурологиянинг асосий тил бирлиги лингвокультурема бўлиб, у турли хил тил бирликлари орқали намоён бўлади; в) концептуал ва миллий дунё тасвири дунёнинг лисоний тасвирида ўз аксини топади.

I боб бўйича хulosалар

Ушбу бобда мазкур тадқиқот ишининг назарий асослари баён қилиб берилган. Замонавий тилшуносликнинг жадал ривожланиб бораётган янги йўналишлари – когнитив стилистика ва лингвокультурологиянинг мустақил фан сифатида пайдо бўлиши, мақсад ва вазифалари, асосий тушунчалари, долзарб муаммолари ва уларни ҳал этиш усуллари ҳақида сўз боради.

Маълумки, когнитив стилистика фани тилга когнитив механизм сифатида қарайдиган когнитив лингвистика фани негизида пайдо бўлиб, стилистик воситалар ва ифодавий бирликларни когнитив нуқтаи назардан тадқиқ этишни назарда тутади. Когнитив стилистиканинг долзарб муаммолари сифатида қуидагиларни қайд этиш мумкин: а) когнитив услугуб муаммолари; б) когнитив метафора назарияси; в) стилистик воситалар ва матн категорияларини когнитив нуқтаи назардан асослаш; г) матнни тушуниш, идрок этиш ва интерпретация қилиш каби когнитив жараёнларни ўрганиш; д) когнитив аҳамиятли назария ва принципларни тадқиқ этиш (фигура ва фон назарияси, ахборотни илгари суриш назарияси, концептуал интеграция назарияси, концептуал ахборот назарияси, концепт тушунчаси,

инференция ҳодисаси, ақлий макон назарияси, матнда ахборотни ташкил этишнинг когнитив принциплари ва бошқалар).

Когнитив стилистиканинг асосий тушунчаларидан бири бу бизнинг тадқиқот ишимиз учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган “билимлар тузилмалари” тушунчасидир. “Билимлар тузилмалари” ўзаро боғланган концептлар тизимидан иборат билимлар ёки ахборотлар тўплами, жамланмаси сифатида тушунилиши мумкин. Тилга когнитив ёндашишга ҳам айнан билим тузилмаларининг тил бирликлари орқали ифодаланиш механизмларини ўрганиш заруряти сабаб бўлган. Бундан ташқари, ахборот тушунчаси, ахборотни илгари суриш назарияси, стилистик конвергенция каби тушунчалар ҳам когнитив стилистика учун аҳамиятлидир.

Лингвокультурология эса лингвистика ва культурология уйғунлашуви натижасида юзага келган, тилда акс этган ва ифодасини топган, ўз семантикасида миллий-маданий маънони акс эттирадиган тил бирликларини ўрганувчи фан бўлиб, унда тилга маданиятнинг асосий умумлаштирувчи қисми ва жамоавий малакаларнинг бебаҳо хазинаси сифатида қаралади ҳамда маданиятнинг тилга, шунингдек, тилнинг инсон тафаккури ва дунёқарашига таъсирини ўрганиш назарда тутилади. Лингвокультурологиянинг асосий тил бирлиги лингвокультурема бўлиб, у турли хил тил бирликлари орқали намоён бўлади. “Дунё тасвири” тушунчаси ҳам лингвокультурология фани учун аҳамиятли бўлиб, у умумий онгда тўпланган рамзлар ва тимсолларнинг яхлит бутунлиги сифатида қаралади. Бундан ташқари, концептуал ва миллий дунё тасвири тушунчалари ҳам фарқланиб, улар дунёнинг лисоний тасвирида ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу бобда когнитив стилистика ва лингвокультурологиянинг асосий тушунчалари, долзарб муаммолари ҳамда ушбу тадқиқот иши учун аҳамиятли бўлган фикрлар ва нуқтаи назарлар тахлил этилди.

II БОБ. АТРОПОНИМЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК АҲАМИЯТИ

2.1.Инглиз лингвомаданиятида антропоним манбаларининг лингвокультурологик хусусиятлари

Инглиз лингвомаданиятида антропонимларнинг манбалари турли жимжимадор нақшларга бой, қадимий ва янгича исмларни, асл туб инглиз тилига хос ёки ўзлашма, қадимий анъанавий ёки ўйлаб топилган, бирбиридан тузилиш ва маъновий (семантик) хусусиятлари билан фарқ қиласидиган манбалардан иборат. Масалан, *Abraham* исмининг келиб чиқиши тўрт минг йиллик тарихга бориб тақалади, инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда эса бу исм бир неча асрлардан бери ишлатилади холос (ҳозирги кунда, асосан, АҚШ мамлакатида). Аёллар исми *Sonia* эса рус тилидан ўзлаштирилган бўлиб, ўтган асрнинг 20 йилларида кундалик турмушга кириб келди. Инглиз шахс отлари тарихий тараққиётнинг узун ва мешақатли йўлини босиб ўтди ва қайд этиш жоизки, бу йўл инглиз тили ва инглиз ҳалқининг тарихи ва маданияти билан чамбарчас боғланган. Инглиз лингвомаданиятига хос антропонимлар манбаларининг бойиши ва ривожланишига турли тарихий даврларда содир бўлган ҳодиса ва жараёнлар, хилма-хил маданий омиллар таъсир кўрсатган. Тил бирликларининг таҳлили натижасида биз қўйидаги лингвокультурологик омилларни аниқладик:

1) Қадимги герман қабилалари (англосакслар) давридаги исмлар

Англосакслар бошқа қадимги герман қабилалари каби содда (Froda-шеър. оқил ва доно; Hwīta-оқ, ёрқин, порлок) ва мураккаб (Aethelbeald-олијижаноб, аъло, олийҳиммат+кучли жасоратли; Eadgar- шеър. баҳт ва бойлик соҳиби+шеър. найза) тузилишли фақат битта исмга эга бўлганлар. Содда исмлар аста-секин мураккаб (икки компонентли) исмлар билан ўрин алмасиб, XIII асрдан кейинги инглиз антропонимлари манбаларида бошқа учрамайди. Ҳозирги вақтда инглиз ва америкаликларда атиги битта содда

исм сақланиб қолган. Бу аёллар исми Hilda бўлиб, у Brunhild(e) ёки Hildegarde исмларининг қисқарган шакли сифатида қаралиши мумкин [Суперанская А.В., 1990]. Мураккаб отлар компонентлари эса қадимги инглиз исмлари фонди негизида шаклланган.

а) эзгу тилакларни ифодаловчи исмлар

Англосакслар “эзгу тилакли” исмларнинг сехрли хусусиятига қаттиқ ишониб, бундай исмлар ўз эгасига ҳимоя ва ҳомийлик, баҳт ва бойлик, эзгулик, ҳурмат ва иззат, шон-шараф ва жасурлик олиб келади, деб ҳисоблашган. Бунга қуйидаги қадимий инглиз сўзларини мисол қилиш мумкин: *aelf* – эльф; *beorht* – ёрқин, порлок; *beom* – шеър. инсон, қаҳрамон, жангчи; *eald* – эски, қари, қадимий; *gar* – шеър. найза; *gifu*, *gyfu* – тухфа, инъом, илтифот; *god* – яхши, саҳий, меҳрибон; *gold* – олтин; *maere* – машхур, буюқ, шарафли; *raed* – маслаҳат, ақл, донолик; *rice* – кучли, олийнасаб, бой, ҳукмрон; *sae* – денгиз, кўл; *sige* – ғалаба, омад; *stan* – тош; *sunu* – ўғил; *weard* – ҳомий ва ҳимоячи; *wulf* – бўри ва бошқалар.

Семантик жиҳатдан бир нечта қадимги мураккаб инглиз отлари компонентлари янги умумий маънони ҳосил қилмай, хилма-хил экзоцентрик тушунчаларни ифодалайди. Масалан, *Frithuwulf* – тинчлик, хавфсизлик, манзил, макон + бўри; *Wigfrith* – уруш, жанжал, адован, низо + тинчлик, хавфсизлик, бошпана, макон.

б) қон-қариндошлиқ муносабатини ифодаловчи исмлар

Қариндошлиқ муносабатларини ифодалаш учун ота-она исми компонентларини қўшиб янги исм ясаш ҳодисасини машҳур инглиз онаматологи Перси Ринининг қуйидаги мисолларида яққол кўриш мумкин: VII аср бошида Нортумбрия қиролининг жияни Эдвин Hereric (армия, қўшин, лашқар, оломон + бой, олийнасаб, қудратли) ва унинг хотини Breguswith (шеър. бошлиқ, пешво, сардор, шоҳ + жасур, қаттиққўл, бераҳм) ўз қизларини Hereswith (армия, қўшин, оламон + бешавқат, қаттиққўл, ботир) деб атаганлар. Авлиё Вулфстан (Wulfstan – бўри + тош), епископ Вустернинг исмлари онасининг исмининг биринчи қисми Wulfgifu–бўри + тухфа, инъом,

марҳамат, илтифот ва отасининг исмининг иккинчи қисми Aethelstan–олий, буюк + тош сўзларидан олинган (Ермолович, 2001).

Бир оиласа алоқадорлик хусусияти ота-она исмининг қўшилмаси ёки аллитерация усули билан ясашга асосланган аллонимлардан фойдаланиш билан ифодаланган.

в) жинс билдирувчи исмлар

Структура ва семантик жиҳатдан қадимги инглиз аёллари исмлари эркаклар исмидан ҳеч қандай фарқ қилмаган. Жинсни кўрсатувчи белги сифатида исмлардаги иккинчи компонент муҳим ўрин тутган. Эркаклар исмидаги иккинчи компонент мужской роддаги сўзлар билан ифодаланган – *gar*-шेър. найза; *hafoc*-қирғий; *helm*-химоя; шеър. ҳимоячи, ҳомий; *man(n)*-одам, эркак, қаҳрамон; *raed*- маслаҳат, ақл, қарор; *sige*-галаба, омад; *sunu*-ўғил, насл, авлод; *weard*-соқчи, посбон, ҳимоячи, хўжайин; *wig*-уруш, жанг, кураш; *wine*-шеър. дўст, ҳимоячи ва бошқалар.

Аёллар исмларининг иккинчи компоненти мос равища женский родга мансуб отлардан таркиб топади: *burg*, *burn*-қўрғон, қалъа; *frithu*-тинчлик, хавфсизлик; *gifu*, *gyfu*-тухфа-инъом; *guth*-шеър. кураш, жанг; *henn*-товуқ, гунсирили маслаҳат ва бошқалар.

Иккинчи компонент сифатида сифат туркумига оид сўзлар ҳам ишлатилган. Эркаклар исмидаги сифат билан ифодаланган компонент исм эгасининг характеристига хос хусусиятлар ёки жамиятдаги мавқеъига ишора қилган: *beald*-жасур, довюрак, мард; *beorht*-ёрқин, порлок; *heah*-баланд, юксак, муҳим ва мағрур; *heard*-кучли ва бақувват, қаттиқ, мустаҳкам; *maere*-шарафли, машхур; *rice*-кудратли, олийнасаб, бой, хукмрон ва бошқалар.

Кўпгина аёллар исмидаги иккинчи компонент сифатида қуйидаги сифатлар ишлатилган: *leof*-қадрли, азиз, севимли, ёқимли (Марьенъянова, 2002).

2) Ташқи таъсирлар – қўшни мамлакатларнинг Англияни истило этиши натижасида вужудга келган исмлар

• Скандинавияликлар босқини

Скандинавияликларнинг (данияликлар ва норвегияликлар) Англияга босқини VIII аср охирида бошланиб, XI асргача бир неча юз йиллар давомида (1042 йилда данияликларнинг сиёсий ҳукмронлигига барҳам берилди) тақрорланиб турган хужумлар инглиз исмлари тизимиға бир қарашда унчалик катта таъсир этмади.

Скандинавлар Англияning шарқий, марказий ва шимолий қисмларига бориб ўрнашганлар (Эссекс ҳудуди, Шарқий Англия, Мерсея ва Нортумбрияниг бир қисми) ва “данияликлар қонуни ҳудуди”ни ташкил этганлар. Улар тезда англосаксларнинг тили, дини, турмуш тарзи, анъана, хоҳиш-истакларига мослашиб тезда улар билан қоришиб кетдилар.

• Нормандлар босқини

Маълумки, инглиз тили ва инглиз ҳалқининг кейинги тараққиётида катта сиёсий воқеа - Франция шимолида яшовчи нормандларнинг Англияни истило этиши муҳим аҳамият касб этди. 1066 йилда Гастингсда англосакслар кўшини тор-мор этилгач, Нормандия герцоги Вильгельм Англия қироли деб эълон қилинди. Олий ҳарбий ва диний лавозимларга унинг тарафдорларидан бўлган норманд-француз тилида сўзлашувчи амалдор ва руҳонийлар тайинланди.

Истиличилар ўз антропонимларини (замонавий исмлар HUGO, RALPH, RICHARD, ROBERT, ROGER, WILLIAM ва бошқалар) истеъмолга киритиб, улар тез орада англосакс исмларини муомалада сиқиб чиқарди. Янги исмларнинг ўзлаштирилиши кўпроқ ҳукмрон синфлар доирасида авж олди. Саноқли англосакс исмлари сақланиб қолди холос. Масалан, ALFRED, EDGAR, EDMUND, EDWARD, ETHELBERT, HILDA, MILDRED ва бошқалар.

3) Христиан динининг таъсири

Англосакс исмларидаги ўзгаришларга VII асрдан Англияда кенг тарқалган христиан динининг таъсири ҳам ниҳоятда катта бўлди. Папа Буюк

Григорий миссионерлари VI аср оҳирларидан бошлаб Римдан Англия томон кела бошладилар. Улар қироллик хукумати кўмагидан фойдаланиб христиан динининг тез суратларда тарқалишига эришдилар. Таълим- тарбия лотин тилида амалга ошириладига мактаб ва монастирлар секин-аста қадимги юонон, рим, христиан маданиятлари марказларига айланди. Шахс отлари манбалари туб аҳоли қисмига тушунарсиз бўлган Библия исмлари билан бойиб борди. Қирол ва олий табақа (мансадбор шахслар) вакиллари хонадонларида христиан динига хос муқаддас диний исмлар қўйиш одат тусига кирди. Аммо қўйи табақа кишилари аввалгидек ўзлари учун тушунарли бўлган тилдаги исмларни қўллашда давом этиб, Библияга оид исмлар XVI аср охиригача инглиз шахс отлари тизимида устунликка (етакчиликка) эриша олмади. Уидикда таъкидланишича, XII аср охирида Библияга хос исм *John* кўп ишлатилиш даражаси бўйича бешинчи ўринда - *William, Robert, Ralph, Richard* исмларидан кейин турган. Библияга хос аёллар исмлари *Mary, Anne, Joan, Elizabeth* эса илк бор XIII аср ёзма манбаларида учрайди [Никонов В.А., 1990].

1382-1384 йилларда Библияning Джон Виклиф томонидан қилинган ўрта аср инглиз тилидаги таржимаси пайдо бўлди, 1538 йилдан эса Англияда янги туғилган чақалоқларни чўқинтириб, уларга янги исм бериб рўйхатга олиш мажбурий қилиб қўйилди. Натижада, айнан шу пайтдан бошлаб, христианликнинг муқаддас диний исмларини тез суратларда тарқала бошлади. XVI-XVIII асрларда энг кўп тарқалган эркаклар исмлари нормандча WILLIAM ва Библияга хос исм JOHN, THOMAS; энг кўп тарқалган аёллар исмлари эса ELIZABETH, MARY, ANNEлар бўлди.

4) Реформация (пуританлар) ҳаракатлари таъсири

XVI асрда Ғарбий Европа мамлакатларида католик черковига қарши бошланган ижтимоий-сиёсий ҳаракат – реформация инглиз шахс отлари тизимига маълум ўзгаришлар олиб кирди. Кескин кайфиятли ҳаракат тарафдорлари – пуританларнинг исм ўйлаб топиш фантазияси ўша давр

манбаларини эзгуликка чорловчи исмлар билан тўлдирди: CHARITY, FAITH, HOPE, PRUDENCE ва бошқалар (рус аёллар исмлари билан таққослаганда – Вера, Надежда, Любовь) [Суперанская А.В., 1990].

Маълумки, пуританлар қаттиқ таъқиб остида азият чекиб, XVIII асрнинг биринчи ярмида Шимолий Америкадаги инглиз колонияларига кўчишга мажбур бўлдилар. Ҳозирги кунда қадимги Библияга хос исмлар – ABRAHAM, ADAM, BENJAMIN, DANIEL, ELIHU, IRA, ISAAC, SAMUEL ва бошқалар АҚШда Англияга нисбатан қўпроқ учрайди. Буни Американинг колонияларга айлантирилиши ва АҚШ давлатининг пайдо бўлиши билан боғлиқ давр воқеа-ходисалари билан тушунтириш мумкин.

5) Адабиётнинг таъсири

Инглиз шахс отлари тизими тараққиётига катта таъсир кўрсатган омиллардан яна бири – мамлакат тарихи, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан чамбарчас боғланган адабиётдир. Инглиз шахс отлари ичida адабиётдан олинган (ўйлаб топилган) исмлар орасида қўйидагилар жуда машхур: PAMELA – Сиднейнинг “Аркадия” романи қаҳрамони (1590); STELLA – Сиднейнинг “Астрофель ва Стелла” сонетлар тўплами қаҳрамони (1591); CLARIBEL – Спенсернинг “Парилар қироличаси” поэмаси қаҳрамони (1590-1596); VANESSA – Свифтнинг “Каденус ва Ванесса” поэмаси қаҳрамони (1726) ва бошқалар [Чурсина И.С., 2002].

В.Скоттнинг тарихий романлари ва Пеннисоннинг “Кироллик идиллиялари” (1859-1885) поэмалар тўплами бир гурух эски унутилган исмларга янги ҳаёт бахш этди: AMY, ENID, GARETH, GERAINT, GUINEVERE, GUY, LANCELOT, NIGEL ва бошқалар. Унут бўлган аёллар исми ALICE XIX асрнинг иккинчи ярмида Л.Кэроллнинг “Алиса мўжизалар мамлакатида” (1865), “Алиса Кўзгу орти мамлакатида” (1871) эртакларининг дунёга келиши билан қайтадан машхур бўлиб кетди.

Бундан ташқари, аёл ва эркак исмларининг этимологик жиҳатидан маъновий ўзига хосликлари ҳам мавжуд бўлган.

Кенг тарқалган аёллар исмлари (янги антропонимлар билан қиёслаганда) этимологик жиҳатдан икки гурухга ажратилади:

- *Гул ва ўсимлик номлари*, масалан, BLOSSOM – гул, гуллаш; BUTTERCUP – айиктовон; CLOVER – беда; DAFFODIL – нарғиз гули; FLOWER – гул, гуллаш; IVY – печак гул; LILAC – сирень ва бошқалар;
- *Қимматбаҳо тош номлари*, масалан, AMBER – қаҳрабо, BERYL – берилл, зумрад; CORAL – маржон; PEARL – марварид, дур; RUBY – ёқут, лаъл.

Бошқа томондан, эркаклар исмлари орасида шундай гурух мавжудки, улар таркибига киравчи “эзгу исмлар” этимологик жиҳатдан хилма-хил унвон ва фахрий номлар билан боғланган: BARON – барон; COUNT – граф; DUKE – герцог; EARL – граф (инглизча); KING – қирол; MARQUIS – маркиз ва бошқалар [Wilson Elizabeth A.M., 1982].

BLOSSOM, BUTTERCUP, CLOVER ва бошқа аёллар исмлари ҳамда “эзгуликка чорловчи ҳашамдор” эркак исмларининг пайдо бўлишига асос бўлиб хизмат қилган уларнинг классик ўтмишдошлари мавжуд: SUSAN (< қад. яхуд. - лилия), ANTHEA (< қад. юонон - гул), DAPHNE (< қад. юонон - дафна), VIOLA (< лотинча - бинафша), BASIL (< қад. юонон – подшоҳга оид), CANUTE (< қад. скандинав. – келиб чиқиши зиёли, зодагон оиласа хос киши), CYRIL (< қад. юонон – жаноб, ҳукмдор) ва бошқалар.

Теофорик исмлар у ёки бу худонинг исми қатнашган ёки шунчаки худо маъносини берувчи ноаниқ турдош от ишлатилган исмлар киради. Политеизм даври теофорик исмлари монотеизм давридагилардан катта фарқ қиласди. Политеизм даврида бу турдаги исмлар таркибига турли худо ва афсонавий қаҳрамонлар номлари кирган, “худо” (бог) сўзининг ўзи эса юонон, перс, скиф ва бошқа тилларда худолардан бирининг номини билдирган. Одатда ҳар бир исм у ёки бу худога тегишлилиқ, келиб чиқиши жиҳатидан мансублик маъноларини ифодаловчи конструкциялардан иборат бўлган. Масалан, қадимги герман тилида OSWALD, ANSELM Aceni худоси шарафига, JNGRAM, JNGVAR худо Inge шарафига; ELFRICH, ELBICH кичик илоҳлар альб ва эльфларга атаб қўйилган. Юононларда худо исмларини

реал ҳаётда инсонларга нисбатан қўллаш IV асрдан кўпхудоликка асосланган динлар олдидағи қўрқув йўқолгач бошланиб, ҳозирга қадар давом этмоқда.

Бундан ташқари, лотин тилидан ўзлаштирилган теофорик исмлар ҳам мавжуд: AURELIAS, AURELIANUS, AURELLIANUS қуёш худоси (Aurel) шарафига, APPOLONIUS худо Апполон шарафига [Никонов В.А., 1970].

Христиан динининг пайдо бўлиши ва кўпчилик томонидан қабул қилиниши билан унгача бўлган давр қадриятларига қарши қаттиқ кураш бошланди: Пантеон худоларининг тасвиirlари, ҳайкаллари, кўпхудолик дини вакиллари қабрларидаги ҳайкаллар ва қабр тошлар бузиб ташланди, аммо ўша қадимий худоларнинг номини ўз таркибиға олган шахс отлари сақланиб қолди. Янги теофорик исмлар пайдо бўлди. Теофорик исмларнинг пайдо бўлиши ва кенг тарғиб этилишида эллин черкови яхудийларининг хизмати катта. Улардан замонавий ва янгиланган теофорик исмлар христиан динини қабул қилган юнонлар томонидан ўзлаштирилиб, кейинроқ римликлар, славянлар ва германларга ҳам бориб етган. Масалан, скандинав тилидан олинган JOAKIN исми қадимги яхудий тилидаги JOACHIM исмидан олинган (Jahwe richtet auf). MATTHEW инглиз исми эса қадимги яхудий тилидаги MATTANJA исмидан олинган бўлиб, Gote Jahwe деган маънони билдирган.

Яхудий теофорик исмлар кўпинча эга иштирок этган гап шаклида бўлиб, эга (-il, -el, -l, -io) “худо” маъносини берган: DANIEL – Худо қози, ҳакам; MICHAEL – “худо бўлмай ким”.

Теофорик исмлар қаторида таркибида bon-, bona- (яхши, эзгу) компонентларини сақловчи кўп сонли лотин ва итальян тилига хос псевдотеофорик исмлар ҳам мавжуд: BONFAZIO, BONAWENTURA.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз шахс отлари манбаларининг бойиши ва ривожланишига турли даврларда хилма-хил маданий омиллар таъсир кўрсатган бўлиб, улар орасида мамлакат тарихи (қўшни давлатлар билан муносабатлар, скандинавлар, нормандлар истилоси), адабиёти ва христиан динининг кенг тарқалиши каби омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

2.2. Инглиз лингвомаданиятида антропонимларнинг структуравий хусусиятлари

XIV-XVI асрларда Англияда (иккиталик) жуфт ҳолидаги исмлар кам учраган, масалан, JOHN WILLIAM Whytting, JOHN PHILLIPP Capel, THOMAS MARIA Wingfield ва бошқалар. XVII-XVIII асрларда икки ёки ундан ортиқ исмлар (жамланмаси) билан аташ, айниқса, қизлар исмлари орасида анча кенг тарқалган ҳодисага айланди. Бундай икки ёки ундан ортиқ сўзли исмлар ўша даврда битта исм сифатида қаралган: MARY ANNE, MARY JANE, SARAH JANE ва бошқалар.

Аёллар икки исмининг қўшилмасидан ҳосил бўлган замонавий исмлар анча кейин амалга кирди: ANELLA (<ANN(E) + ELLA), MARIANNE (< MARY + ANNE), SARALINDA (<SARA(H) + LINDA) ва бошқалар. Контаминация (ўхшаш икки сўз ёки ибора қисмларининг чатишуви натижасида янги сўз ёки иборанинг пайдо бўлиши) йўли билан янги исм ҳосил қилиш ҳозирда ҳам продуктив (сермаҳсул) усул ҳисобланиб, жарангдор, қисқа ва маъноли исм қўйишга интилиш бунга сабаб бўлган. Аста-секин бундай исмлар MARY ANNE, MARY JANE каби иккиталик (жуфт) исмлар билан қизларни аташ ҳодисасини чеклаб, истеъмолдан суриб чиқарди ва ҳозирги кунда ҳам бу ҳодиса (иккиталик исм қўйиш) инглиз ва америкаликларда камдан-кам учрайдиган ҳодиса ҳисобланади.

Бундан ташқари, исмларнинг ихтиёрий ва дериватив шакллари ҳам мавжуд бўлиб, улар хилма-хил усуллар билан ясалган.

Ҳозиргача сўз хужжатларда расмий ва тантанавий услубларда ишлатиладиган тўлиқ ёки бошланғич (полный и исходный) шаклдаги исмлар эволюцияси ҳақида борди. Бошланғич ёки тўлиқ шакллар ихтиёрий ёки дериватив шаклларга ҳам эга бўлиб, улар, асосан, норасмий усулда яқин кишилар даврасида дўстлар, яқинлар, қариндошларга нисбатан ишлатилади. Дериватларнинг аниқ сонини топиш мумкин эмас (иложсиздир). Бу уларнинг ишлатилиш характери билан тушунтирилади: кишиларнинг дўстлари,

севимли инсонлари, яқин қариндошлари, фарзандларига мурожаат қилиш учун ишлатадиган исмлар яратиш фантазиялари серкірра ва хилма-хилдир. Дериватларни ҳосил қилишнинг асосий усууллари қисқартириш ва қўшимчалар қўшиш (аффиксал) усууллари ҳисобланади. Қисқартириш йўли билан қисқа исмлар ясалади: BEN (<BENJAMIN), DAN (DANIEL) ва бошқалар; қўшимча қўшиш усули эса эркалаш ва кичрайтириш отлари (гипокористик исмлар) ясашга хизмат қиласди: DANNY (<DAN<DANIEL), JIMMY (<JIM<JAMES) ва бошқалар [Мурzin Л.Н., 1974].

Қисқартириш усули билан исм ясашда қисқариш асосий (туб) сўз бошида, ўртасида ва охирида амалга оширилиши мумкин:

- Аферезис, масалан, NESS (<AGNES), TONY (<ANTHONY, ANTHONY), TINA (<CHRISTINA) ва бошқалар;
- Синкопа, масалан, AUSTIN (<AUGUSTIN), ALINE (<ADELINE) ва бошқалар;
- Апокопа, масалан, ALEC (<ALEXANDER), ALF (<ALFRED), AG (AGNES) ва бошқалар.

Инглиз шахс отлари тизимида деривациянинг ўзига хослиги шундаки, аффиксация иккиламчи деривация сифатида қисқартириш шаклисиз ишлатилмайди. Шунга кўра, инглиз дериватларининг тузилиш схемасини куйидагича ифодалаш мумкин: тўлиқ ёки бошланғич исмлар қисқартирилади, масалан, DANIEL<DAN, THEODORE<TED, улардан эса гипокористик исмлар ясалади: DANNY, TEDDY. Шунинг учун ҳам тўлиқ исмларда қисқартирилган исмлар бирламчи дериватлар, гипокористик (кичрайтириш ва эркалаш қўшимчали) исмлар иккиламчи дериватлар деб аталади (Кубрякова, 1974).

Исмларни қисқартириш англосаксларда ҳам бўлган. VIII асрдаёқ EDA<EDWIN, SICGA< SIGEWRITH қисқартирилган исмларни учратиш мумкин эди. Англия нормандлар томонидан забт этилгач, инглиз тилида -el, -el, -in, -on, -ot каби эски француз тилига хос кичрайтириш қўшимчалари ишлатила бошланган. Улар ёрдамида кичрайтириш ва эркалаш отлари ясалган:

HAMEL, HAMELIN, HAMELET (<HAM<HAMON(D) + -el, -el, -in, -on, -ot), BARTELOT, BARTELET (<BART<BARTHOLOMEW + -el, -et) ва бошқалар. Айни вақтда –cock, -kin инглиз суффикслари ҳам иккиламчи дериватлар ясашда ишлатилган: ADCOCK, MALKIN ва бошқалар. Бу суффикслар XI-XIV продуктив (сермаҳсул) ҳисобланиб, ҳозирда уларни келиб чиқиши ўрта аср инглиз даврига мансуб фамилияларда учратиш мумкин: ATKIN (<AD<ADAM + -kin), BABCOCK (<BAB<BARBARA + -cock), TOMKIN (<TOM<THOMAS + -kin) ва бошқалар.

XVасрдан гипокористик эркаклар ва аёллар исмлари –ie, -у продуктив суффикслари ёрдамида ясала бошланган. Масалан, BETTIE (<BET<ELIZABETH), JOHNNY (<JOHN), PEGGY (<PEG<MARGARET) ва бошқалар. Шотландияда вужудга келган бу суффикслар хусусий (атоқли) отлар доирасидан аста-секин турдош отлар доирасига ҳам ўтди: birdie, doggie, granny, lassie, nightie ва бошқалар [Никитевич В.М., 1978-1982].

Ҳозирги кунда бу каби дериватлар расмий иш услубида, мажлис, үйғилиш, пресс-конференциялар, оммавий чиқишлиар, матбуот ва турли нашрларда ҳам кенг ишлатилмоқда. Дериватлар аста-секин хушмуомалалик ва одоб юзасидан ишлатиладиган сўзлар билан бирга қўлланилиб, қонуний расмий исмларга айланиб бормоқда: honourable - ҳурматли, шарафли; reverend – авлиё, ҳурматли; doctor – доктор (илмий даража); mister – мистер, жаноб ва бошқалар. Масалан, Dr. (doctor) Billy, Hon. (honourable) Jimmy, Rev. (reverend) Ikie ва бошқалар.

Аниқ ва қатъий структуравий характерли турдош лексикадан фарқли равишда антропонимик лексика одатда бу хусусиятларга эга бўлмайди. Буни, авваломбор, антропонимларнинг келиб чиқиш (яратилиш) нуқтаи назаридан хилма-хиллиги билан тушунтириш мумкин. Ҳар қандай тилнинг исмлар тизимиға ушбу тил асосида яратилган ва ўзлаштирилган эски ва янги исмлар киради. Бунда янги исмлар антропоним манбаларини бойитиш жараёнининг ҳозирда актуал структуралари бўлиб, янги сўз ясашнинг “жонли” шакл ва воситалари ҳисобланади. Улардан фарқли равишда тарихий исмлар

тилларнинг генетик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, уларни ҳосил қилиш анча мушкул чунки уларнинг тузилиши актуал бўлмаган, тарихий таркибий қисмларга ажралади.

Лекин бундай антропонимларнинг тарихий таркибий қисмларга ажратилиши ҳар доим ҳам уларнинг морфемик сегментациясини тўғри ва аниқ очиб бермайди. Уларнинг кўпчилиги бошқа тиллар appellativларига бориб тақалади. Улар орасида ўз маъносини бутунлай йўқотган appellativли исмлар ҳам мавжуд. Кўп антропонимлар фақатгина улар таркибидаги турдош от маъноларини ифодалаб, алоҳида ички мотивлилиги йўқлиги туфайли кўпинча мустақил продуктив бўлмаган (непроизводные) формалар сифатида қаралади. Буларнинг барчаси ушбу туркумга мансуб сўзларнинг структура ва сўз ясалиш классификацияларида тафовут мавжудлигини кўрсатади (Белецкий, 1984).

Хуроса қилиб айтганда, инглиз лингвомаданиятига хос антропонимлар структуравий жиҳатдан турли ўзига хосликларни намоён қиласди. Исмларнинг бошланғич ёки тўлиқ шакллари ихтиёрий дериватив шаклларга ҳам эга бўлиб, улар, асосан, қискартириш ва қўшимчалар қўшиш усуллари билан ясалади.

2.3. Аллюзив антропоним фразеологик бирликлар таркибий қисми сифатида (билимлар тузилмалари турлари бўйича классификация)

Ушбу бобнинг мақсади – инглиз фразеологик бирликлари таркибидаги аллюзив антропонимларни лингвокогнитология ва лингвокультурология нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ва уларни билимлар тузилмалари доирасида категоризация қилиш. Бугунги қунда лингвокультурологик тадқиқотларнинг асосий йўналишларидан бири фразеология ҳисобланади, чунки айнан фразеология тил ва маданиятнинг ўзига хос такрорланмас белги-хусусиятларини ўзида очиб бериш имкониятига эга. Фразеологик бирликлар

(бундан кейин - ФБ) барча тилларга хос бўлиб, лисоний дунё тасвирини яратишида доминант ҳисобланади ва у ёки бу лингвомаданий жамиятнинг субъектлари лисоний-маданий компетенцияси таркибида киради.

Фразеология ўзида асосий маданий қатламни намоён этиб, маълум (аниқ) бир тилга хос хусусиятлар ва шу тил кишилари дунёқарашларини уйғун холда ифодалайди. “Тилнинг фразеологик фонди ўзининг анъанавийлик, турғунлик, таркибий қисмларининг микдорий ўзгармаслиги (доимийлиги) хусусиятлари билан характерланади. Фразеологик бирликлар шу тилда сўзлашувчи кишилар маданиятини бевосита акс эттиради, халқнинг турмуш тарзига хос барча хусусиятларни, унинг миллий психологиясини ўзида намоён этади” (Расулова, 2005, б. 207). Фразеологик бирликларнинг маъноларини адекват интерпретация қилишда тилнинг маънавий маданиятни яратищдаги иштироки ҳамда маънавий маданиятнинг тилни шакллантиришдаги ўрни каби ўзаро боғлиқ муносабатларнинг аҳамияти катта. Идиоматика сўзлардан фарқли равишда бир тил жамоасининг когнитив фаолиятини ўзида акс эттириб, уларга хос муносабатлар ва дунёни англаш билан боғлиқ оддий умумий тушунча ва тасаввурларга асосланади.

Тадқиқотимизда келиб чиқиши жиҳатидан Библияга хос, мифологик, тарихий ёки адабий характерли аниқ бир референт билан ифодаланган ФБлар таҳлил этилади. Ушбу тадқиқот ишида аллюзив антропонимнинг ўзида бирор ижтимоий-маданий ҳодисага ишора қилишига асосланиб, бундай турдаги ФБларга нисбатан «аллюзив антропонимли ФБлар» атамаси ишлатилади. Мос равишда ўз семантикасида бундай ишораларни сақлайдиган ФБлар аллюзив характерли деб ҳисобланади.

Тил материаллари тадқиқоти шуни кўрсатадики, маъноси прототип англатадиган маъно билан боғлиқ бўлган ФБлар қўп сонни ташкил этади. ФБ прототиплари – бу «фақатгина тил бирликлари ёки ўзгарувчан сўз бирикмалари эмас, балки тарихий анъаналар, фактлар, реалиялар, диний ақидалар ва уларнинг атрибутлари билан боғлиқ умумий билимлар хазинаси ўюшган муносабат шакллари ҳамдир» (Кунин, 1996, б.51]. А.В.Кунин ушбу

муносабат (алоқадорлик) ФБ ички шаклларининг асосини ташкил этади, деб ҳисоблайди: «Фразеологизмнинг ички шакли – бу унинг прототипи маъноси бўлиб, бунда фразеоматик маъно дериватив муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади» (Кунин, 1996, б.173). Прототип категория ҳосил қиласиган гносеологик майдон марказидан жой олади, деб ҳисобланади ва босқичмабосқич ривожланиб борувчи категориал маънолар прототип орқали олдиндан очиб берилади (Каплуненко, 1992, б. 176). «ФБлар семантикаси асосида фразеологик образ ёки асосида ушбу ФБнинг яхлит маъноси прототипнинг кенг доирада тушунилиши натижасида юзага келган умумий (типиклашган) кўчма маъноли, метафорик ёки метонимик дериват сифатида қабул қилинадиган аниқ тасаввур ётади» (Солодуб, 1997, б. 25).

Биз бу каби ФБларга лингвокультурология ва когнитология нуқтаи назаридан лингвомаданий умумийликни касб этадиган кишилар онгида акс этувчи билимлар тузилмалари кўринишидаги тарихан шаклланиб, асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келган маъновий моделлар сифатида қараймиз. Бу маъновий моделлар бевосита тил орқали ифодаланадиган ва унда қатъий жой олган маданий ва дунёвий тартиб-коидалар бирлиги ҳисобланади. Уларни аниқ бир маълумотни етказиб беришга хизмат қилувчи, мазмунан тугал, тайёр структуралар (тузилмалар) дейиш мумкин. Аллюзив антропонимли фразеологизмлар семантикаси остида яширин маълум билимлар тузилмаларининг аниқланиш, намоён бўлиш шакллари бизга уларни мифологик, диний, тарихий ва адабий турларга бўлиш имкониятини беради. Таҳлил манбалари А.В.Куниннинг инглизча-русча фразеологик луғати, Cambridge International Dictionary of Idioms, The Penguin Dictionary of English Idioms ва бошқалар. Аллюзив антропонимлар иштирокидаги фразеологик бирликларни қуйидаги мисоллар орқали қўриб чиқамиз:

1)Мифологик аллюзив ФБ – миф ва афсоналарга хос воқеа-ҳодисалар қаҳрамонлари бўлган прототиплар қатнашган ифодалар. Мисол келтирамиз: **Pandora’s box** ибораси ҳар қандай ғам-қайғу, баҳтсизлик манбаи сифатида тушунилади. Бунга Пандора исмли аёл ҳақидаги юонон афсонаси сабаб

бўлган. Ушбу афсонага кўра, Пандора қизиқувчанлиги туфайли таъкиқланганига қарамасдан сирли қутини очади, натижада кутида яширилган ва инсоният ҳозирга қадар азоб чекаётган ёмон иллатлар, баҳтсизлик, турли касалликлар ер юзига тарқалиб кетади. Худди шундай “The Political Quarterly” журналидан олинган қуйидаги мисолда муаллиф Европа Иттифоқини ғам-қайғу манбаи сифатида таърифлаш мақсадида ушбу аллюзив антропонимли ФБдан фойдаланган: “European unity in Ernest Bevin’s view was a “Pandora’s box” best kept firmly shut” (“The Political Quarterly”).

2) Диний аллюзив ФБ – Библия, Қуръон ва бошқа турли динларга хос муқаддас ёзувлардан олинади. Масалан:

Joseph’s coat (of many colors) – хилма-хил рангли либос. Жозефф (Юсуф) ҳақидаги ҳикоя Христиан ва Ислом дини манбаларида ҳам учрайди:

Мусулмон манбаларида Юсуф пайғамбарлардан бири сифатида талқин этилади. У Ёқуб пайғамбарнинг севимли ўғли бўлиб, ўта хушбичимлиги (гўзаллиги) билан машхур. Айтишларича, худо барча гўзалликнинг ярмини Юсуф ва унинг онасига, қолган ярмини эса бутун ер юзи аҳолисига бўлиб берган. Хасадгўй акалари оталаридан уни ўzlари билан олиб кетишга рухсат сўраб, Юсуфни сахрода бир ўра ичига ташлаб кетишади, кейинроқ уни бир карvon қул қилиб олиб кетади. Ёқуб (Jacob)нинг ҳасратдан кўzlари кўр бўлиб қолади (Қуръон 12:19)

Ҳикоянинг Христиан динидаги талқини айрим жиҳатлари билан фарқ қиласада, мазмунан ўхшаш:

Now Israel (Jacob) loved Joseph more than all his children, because he was the son of his old age: and he made him a coat of many colors (The Authorized King James Version, Genesis 37:3)

“A coat of many colors” дейилишига сабаб либос қуроқли бўлган ёки хилма-хил рангларда товланган. Ёш ўғилнинг бундай қимматли тухфа билан тақдирланиши акалари наздида тахт ворислигига даъвогар бўлиши мумкин, деган шубҳа уйғотиб, ундан қутулиш пайига тушишади. Уни ўлдирмоқчи бўлганларида фақатгина тўнғич ака Реубен укасининг ҳаётини сақлаб қолиш

мақсадида уни ўлдирмай чукурга ташлаб юбориш таклифини киритади. Дастьлаб рози бўлган ака-укалар кейинроқ уни бир карвонга қул қилиб пуллаб, кийимини эчки қонига бўяб, ёввойи ҳайвонлар еб кетди, деган баҳона билан оталарига кўрсатишида (Genesis 37:11).

Замонавий адабий матнда ишлатилишини қўйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

He wore a coat of Joseph's, and his face was as lined as a frost-bitten apple.
("The Goose Girl" by Harold MacGrath)

The world, like Joseph's father, gives the favourite coat of many colours which the brethren rend. ("Wisdom, Wit, and Pathos of Ouida" by Ouida)

As old as Methuselah – жуда қари бўлмоқ, узини жуда қари сезмоқ. Ушбу фразеологик бирлик библеизмлар сирасиғига киради. Библияга кўра, Мафусайл дунёда энг кўп умр кўрган киши бўлиб, у 969 йил яшаган. (And all the days of Methuselah were nine hundred sixty and nine years: and he died (Genesis 5:27).

He was still young, of course, in his forties, though sometimes he felt as old as Methuselah. He was certainly young for his achievements, young to be the head of a department [Murdoch, the Unicorn, p.67].

Juda's kiss – дўст бўлиб кўринган киши, яқин одамига сотқинлик қилган инсон. Библияга кўра, Иуда Исо пайғамбарнинг 12 шогирдларидан бири бўлган. У 30та кумуш танга эвазига, Исо пайғамбарни унинг душманларига қўлига тушириб берган. Ҳозирги вақтда, Juda исми христиан маданиятида, жумладан инглиз лингвомаданиятида “сотқинлик” тимсолига айланган.

Таъкидлаш жоизки, инглиз тилидаги диний ФБларнинг кўпчилиги келиб чиқиши жиҳатидан Библияга мансуб. Буни Христиан динининг инглиз халқи учун асосий эътиқод шакли эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Лекин кўп сонли библеизмлар орасида Куръондан олинган ФБлар ҳам топилади:

listen for the wings of Azrael – ўлими яқинлашганини ҳис этмоқ, сезмоқ. Азроил – бу Ислом динида ўлим фариштаси номи. Бу сўз арабча

Azra’il ёки Azra’el исмларидан олинган бўлиб, инсонларга ўзга (боқий) дунёга ўтишларига кўмаклашувчи ўлим фариштасига нисбатан ишлатилади. Ислам сўзма-сўз таржима қилинса, “Худо кимни қўллайди (ёрдам беради)” деган маънони беради. Куръони Каримда бу сўз умуман ишлатилмаган, унинг ўрнига сўзма-сўз таржимаси ўлим фариштаси маъносини берадиган *Malaikat al-Maut* номи ишлатилган. Азоил эса мусулмон манбаларида тўрт асосий фариштанинг (Жаброил, Микоил, Исрофил қаторида) бири сифатида эътироф этилади. Куръонда «куч билан юлиб оловучи, шиддат билан суғуриб оловучи, текис ва равон сузувчи, тезда қувиб етадиган ҳамда бўйруқни тарқатиш ва амалга оширишга хизмат қиласиган» деб таърифланадиган номаълум исмиз ўлим фаришталари тилга олинган.

“I swear by the angels who violently pull out the souls of the wicked, and by those who gently draw out the souls of the blessed, and by those who float in space, then those who are foremost going ahead, then those who regulate the affair.” (“The Dragger”, 1-5)

“Say: The angel of death who is given charge of you shall cause you to die, then to your lord you shall be brought back.” [“The Adoration”, 11].

Ривоятларга кўра, Азоил ҳам оддий фаришталардан бири бўлиб, Одамнинг яратилиши учун зарур бўлган тупроқни Ердан қанчалик қаршилик қилиб зорланмасин қаттиққўллик билан олиб келгани учун одамларнинг жонини олиш унга топширилган. У улкан, кўп оёқли ва кўп қанотли, тўрт юзли, танаси эса тириклар сони билан teng кўз ва тиллар билан қопланган. Азоил кишилар тақдиридан хабардор, лекин улар ҳаётининг тугаш вақтини аниқ билмайди. Муддат етганда Аллоҳ ҳузури яқинидаги ҳаёт дараҳтидан ўлимга маҳкум (ўлиши муқаррар) киши номи битилган барг ерга узилиб тушади. Ана шу пайтдан бошлаб қирқ кун муддат ичиди Азоил ул кишининг жонини олиши керак. У пок кишиларнинг жонини эҳтиёткорлик билан озор бермасдан, ноқобил кишиларникини эса тез ва шиддатли тарзда олади. Инсон турли йўллар билан Азоилга қаршилик кўрсатиши мумкин, аммо охир-оқибат у барибир инсон устидан ғолиб чиқади [181].

3) Адабий аллиозив ФБлар - илк марта бирор бир бадиий асарда ишлатилиб, асар қаҳрамонларининг прототипларга айланиши натижасида шаклланган фразеологик бирликлар. Бунга мисол тариқасида “*Cordelia's gift*” иборасини олишимиз мумкин. Бу ФБ Шекспирнинг “Қирол Лир” трагедияси қаҳрамони – қирол Лирнинг севимли қизи Корделия номидан олинган. Малумки, Корделия ўгай сингиллари Реган ва Гонерилдан фарқли ўларок виждонли ва тўғрисўз бўлиб, хушомадгўйлик, иккюзламачиликдан йироқ бўлган. У ҳатто ўз отасига бўлган меҳр-муҳаббатини қўпчилик олдида сўзлашга ийманиб, бундай камтар ва камгап, тўғрисўзлиги туфайли отасининг қаҳрига учраб сепсиз саройдан қувилади. Худбин ва мунофиқ сингиллари эса хушомадгўйлик билан отасини алдаб, унинг бор мол-мулкни ўзлаштириб олишади. Тез орада Франция қиролига турмушга чиқкан Корделия отасини кечиради ва сингилларидан ота юртини қайтариб олиш учун қўшин тортади. Қисқача айтганда, Корделия тўғрисўзлик, виждонлилик, ростгўйлик каби фазилатларга эга майин овозли, нозик ва латиф аёл образидир. Шундан келиб чиқиб, “*Cordelia's gift*” ибораси – *аёлларга хос нафис, ёқимли, хуши муомала ва майин овоз маъносини беради*. Буни бадиий асардан олинган қўйидаги мисолда кўриш мумкин:

It is her voice that he hears prevailing over those of the rest of the company as he enters the room, for she has not Cordelia's gift. (R. Broughton, 'Doctor Cupid', ch. V) —Хонага кираётуб, Талбот бошқа овозлардан баландроқ жаранглаётган Бетти хонимнинг овозини эшиштди. Ҳа, унинг Корделияники каби майин ва ёқимли овозга эга эмаслиги аниқ.

“*Fortunatus cap*” – ўз соҳибини исталган манзилга бир зумда етказиш имконини берувчи сехрли қалпоқ. Бу ибора *Fortunatus* номли XV-XVI асрларда машхур бўлган немис халқига хос қадимий романдан олинган. Асар муаллифи номаълум (Буркхард Зинк(1396-1474/5) деб таҳмин қилинади) бўлиб, у Фортунатус исмли киши хаётидан ҳикоя қиласи. Ушбу қаҳрамон шон-шуҳрат, тўкин-сочин ҳаёт сари интилиб саёҳат қиласи ва чўлда баҳт ва бойлик илоҳасини учратиб, сехрли ҳамёнга эга бўлади. Ҳамённинг сехрли

хусусияти шундан иборатки, у ўз-ўзидан тўлиб, қанча ишлатилмасин ҳеч бўшаб қолмайди. Унинг ёрдамида Фортунатус кўп юртларни кезади, Миср султони хузурида бўлиб, унинг сеҳрли қалпоғини ўғирлашга муваффақ бўлади. Сўнг она юрти Кипрга қайтиб, умрининг охиригача роҳат-фароғатда яшайди. Ўлимидан сўнг ўғиллари худбин ва ақлсизлиги туфайли бу жисмлардан тўғри фойдалана олмай, ҳалокатга учрайдилар. Асар асосида ҳам айнан билимлилик ва доноликни улуғлаш ғояси ётади, зеро кишининг ақли бўлмаса ҳар қандай омад ва бойлик унга фойда бермайди (“Fortunatus” The American Cyclopaedia 1879). Демак, “**Fortunatus cap**” ибораси замонавий адабий матнда ўз эгасини исталган манзилга элтувчи сеҳрли жисм сифатида ишлатилади.

4) Тарихий аллюзив ФБлар- машҳур тарихий воқеа-ҳодиса ва шахслар уларнинг пайдо бўлишига асос бўлиб хизмат қиласиди. Масалан:

A banquet of Lucullas – ўта ҳашаматли шоҳона зиёфат. *Lucullas* қадимги Рим Республикаси сиёсатчиларидан бири (милоддан аввалги 118-57/56 йиллар). Унинг ҳарбий ва сиёсий раҳбарлиги даврида (20 йилдан ошик) шарқий қиролликлар бўйсундирилган, у юртда тўкин ҳаётни таъминлашга кўп маблағ сарфлаган, Рим ва бошқа шаҳарларда боғлар, саройлар, хилмажил иншоатлар қурдирган, асосан, уюштирадиган шоҳона зиёфатлари билан машҳур. Бу ҳақидаги маълумотлар Помпей ва Цицерон қайдларида ҳам учрайди (Chisholm, Hugh, ed. (1911). "[Fortunatus](#)". *Encyclopædia Britannica* (11th ed.). Cambridge University Press).

II боб бўйича хulosалар

Ушбу бобда инглиз лингвомаданиятига хос антропоним манбаларининг лингвокультурологик аҳамияти ва структуравий ўзига хосликлари, антропонимларнинг фразеологик бирликлар таркибий қисми

сифатида билимлар тузилмаларини фаоллаштирувчи аллюзив характерга эга бўлиши ҳақида сўз борди.

Инглиз лингвомаданиятига хос антропоним манбаларининг бойиши ва ривожланишига турли даврларда хилма-хил тарихий ва маданий омиллар таъсир кўрсатган. Бундай омилларга биз қадимги герман қабилалари (англосакслар) давридаги исмлар, ташқи таъсирлар – қўшни мамлакатларнинг Англияни босиб олиши (скандинавияликлар, нормандлар истилоси) натижасида вужудга келган исмлар, Христиан дини таъсирида вужудга келган исмлар, реформация ҳаракатлари натижасида (пуританлар) пайдо бўлган исмлар, адабиёт таъсирида юзага келган исмларни киритишимииз мумкин. Бундан ташқари аёл ва эркак исмлари этимологик жиҳатдан турли маъновий ўзига хосликларни касб этади. Масалан, кенг тарқалган аёллар исмлари негизида гул (Daffodil, Lilac) ва қимматбаҳо тош (Coral, Pearl) номлари, баъзи “эзгу тилакли” эркаклар исмларида эса хилма-хил унвон ва фахрий номлар учрайди.

Структуравий жиҳатидан инглиз антропонимларининг содда (битта сўз ҳолидаги) шакллари ва жуфт шаклларига нисбатан кўпроқ ишлатилган. Бундан ташқари, исмларнинг ихтиёрий дериватив шакллари ҳам мавжуд бўлиб, улар қисқартириш ва қўшимчалар қўшиш усуллари билан ясалган, одатда норасмий услубда кўпроқ ишлатилган.

Ушбу бобда фразеологиянинг тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқ муносабатини ҳамда уларнинг ўзига хос, такрорланмас белгихусусиятларини ўзида намоён қилиш имкониятига эгалигини ҳисобга олиб, таркибида антропонимлар сақловчи Фблар ҳам тадқиқ этилади. Бундай Фбларни бирор тарихий, мифологик, диний ёки адабий қаҳрамонларга ишора қилишини (аллюзия каби) ҳисобга олиб, “аллюзив антропонимли Фблар” деб атаемиз. Уларга лингвокультурология ва когнитология нуқтаи назаридан лингвомаданий умумийликни касб этадиган кишилар онгида акс этувчи билимлар тузилмалари кўринишидаги тарихан шаклланиб, асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келган маъновий моделлар сифатида қараймиз.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқот ишининг иккинчи боби инглиз лингвомаданиятига хос антропонимлар манбаларининг лингвокультурологик ва структурал ўзига хосликлари, аллюзив антропоним қатнашган ФБлар ва уларнинг билимлар тузилмалари бўйича классификация қилинди. Классификация натижасида, биз аллюзив антропоним компонентли ФБларнинг диний, мифологик, тарихий, адабий билимлар тузилмаларини акс этишини аниqlадик.

III БОБ. АНТРОПОНИМЛАРНИНГ БАДИЙ МАТНЛАГИ КОГНИТИВ АҲАМИЯТИ

3.1. Интертекстуаллик ва прецедентлик тушунчалари

Интертекстуаллик тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди ва тез орада лингвистика ва адабиётшуносарнинг асосий атамаларидан бирига айланди. Ҳозирги кунда интертекстуаллик тушунчаси кўплаб лингвистик тадқиқотлар (айниқса бадиий матнга асосланган)нинг объектига айланди. Интертекстуаллик матнлараро ўзаро таъсир, боғланиш сифатида қаралиб, унда бир матнга бошқа матн қисмлари аллюзиялар, цитаталар, изоҳлар шаклида киритилади.

“Матндаги матн” муаммоси, даставвал, адабиётшуносликка хос бўлган. Интертекстуаллик назариясининг асосчиси М.М.Бахтин бўлиб, у дастлаб “диалогик сўзлар” тушунчасини қўллаган. Бу билан у сўзнинг кўп маъно қирраларига эгалиги ва ички диалогга асосланишини назарда тутган. М.М.Бахтин ҳар бир матнни рамзий маънода диалог сифатида талқин этади. Матннинг диалогик хусусияти муаллифга субъектив индивидуал билиш, тушуниш доирасида чегараланиб қолмай, бир вақтнинг ўзида турли бадиий тизим бўлакларига хос бўлган хилма-хил мулоҳаза ва фикрлар субъектларини матнга киритишга имкон беради (Фатеева, 2007, б.4-5). Кейинроқ М.М.Бахтин “бегона сўз” тушунчасини ўрганувчи полифониклик назариясини ишлаб чиқди. Бунда алоҳида сўз фикр ва мулоҳазаларнинг қисқартирилган шакли сифатида қаралиб, нейтрал, ҳеч кимга тегишли бўлмаган бирлик сифатида изоҳланган, ҳар бир сўз ўзи қатнашган контекстда яшайди, деб таъкидланади.

“Интертекстуаллик” атамаси тил ва адабиёт тадқиқотчиси Ф.Кристева томонидан фанга киритилган бўлиб, у М.М.Бахтиннинг илмий тадқиқотларига асосланган ҳолда ўзининг интертекстуаллик концепциясини ишлаб чиқди. Ю.Кристеванинг фикрича, интертекстуаллик – бу алоҳида

матнда содир бўладиган матнларнинг интеракцияси (ўзаро алоқаси, мулоқоти, муносабати). Идрок этилаётган субъект учун интертекстуаллик – бу ўша субъект қайси тарихий матн назарда тутилиб унда ўз ифодасини топғанлигини аниқлашнинг белгисидир (Кристева, 1967).

М.М.Бахтиндан фарқли равища, Ю.Кристева факат сўзларни эмас, балки бутун матнни диалогик хусусиятга эга, деб ҳисоблайди. У матнни “тарихий-маданий парадигма”, “жамият, уюшма” сифатида талқин этади. Матн вербал белгилар тизими эмас, хилма-хил маъновий тизимлар ва маданий кодлар қоришмаси, жамланмаси (конгламерати)дир. Матн ижтимоий-маданий билимларнинг умумий ҳолатини ўзида намоён этиб, айнан шундай билимлар асосида пайдо бўлади ва ёритилади (Кристева, цит. по: Ильин, 1995, б. 204). Шундай қилиб, интертекстуаллик ҳар қандай матн учун муҳим белги, хусусият ҳисобланади.

Интертекстуаллик назариясининг кенг қамровли ўрганилиши натижасида янги – “интертекст” тушунчаси ҳам пайдо бўлди. Фанда назариётчиларнинг интертекст тушунчасига турлича ёндашувлари мавжуд. Интертекстнинг муайян қоидаларга асосланган, қатъий ва аниқ таърифи Р.Барт томонидан берилган: Ҳар бир матн интертекст ҳисобланади, чунки унда бошқа матнлар (илгариғи (олдинги, ўтмиш) маданиятига хос матнлар ёки ҳозирги (замонавий) бизни ўраб турган маданиятни ифодалайдиган матнлар) турли даражаларда, аниқ ёки яширин шаклларда акс эттирилади. Ҳар бир матн ўзида тарихий цитаталар билан боғлиқ янги мазмунни ифодалайди. ” (Ильин, 1996, б. 226]. Аммо интертекст тушунчаси кўп маъноли тушунча ҳисобланади. Постструктуралистлар ишларини тадқиқ этган Т.В.Цырендоржиева интертекст атамаси билан ифодаланувчи учта асосий тушунчани аниқлаган: 1) ўз маъносига эга бўлган хилма-хил матнларни ўзида мужассамлаштирган бевосита таҳлил қилинаётган матн; 2) таҳлил этилаётган матн билан семантик- продуктив алоқадор бўлган (ундан ташқари) бошқа матнлар тушунилади; 3) ҳар қандай матн интертекстдир (Цырендоржиева, 1999, б.35).

Аммо кўп сонли олимлар (Ильин, Чернявская В.Е., Михайлова М.Л., Фатеева Н.А. ва бошқалар) ҳар қандай матнни интертекст сифатида, интертекстуалликни эса бадиий адабиётга хос ҳодиса сифатида талқин этиш матн ва интертекстуаллик тушунчаларини қориштириб, чалкаштириб юборилишига, уларнинг яхлитлиги ва ўзига хос қиймати ва аҳамияти мавжудлигига шубҳа уйғонишига сабаб бўлиб, интертекстуалликнинг хилмасил типологик шаклларини очиб бериш, аниқлашга йўл бермаяпти, деб ҳисоблашади.

Интертекстуаллик билан боғлиқ кейинги тадқиқотларда ушбу тушунчага янги қарашлар, талқинлар ва интертекстуалликни ўрганишнинг янги йўналишлари пайдо бўлди. Бинобарин, кўпгина олимлар тадқиқотларида интертекстуаллик назарияси лингвистик ракурсда ўрганиладиган бўлди. Тор маънода интертекстуаллик матнга (текстуалликка) хос умумий хусусиятни эмас, балки маълум (аниқ бир) типдаги матнга хос бўлган ўзига хос белги-хусусиятни билдиради. Бунда интертекстуаллик деганда бир матн бошқа олдинги матнга оид аниқ ва яққол ифодаланган ишорани ўз таркибида олиши билан боғлиқ матнларнинг диалогик муносабати тушунилади. Бунда муаллиф атайлаб маълум бадиий мақсадга эришиш учун ўз матнiga бегона (ўзга) матн фрагментларини киритади, китобхон ҳам муаллифнинг мақсадини (интенциясини) англашиб, у билан диалогик муносабатга киришади. Интертекстуалликнинг бундай талқин этилишини Н.А.Кузьмина, Н.А.Фатеева, В.Е.Чернявскаларнинг тадқиқотларида кўриш мумкин.

В.Е.Чернявсканинг илмий ишларида интертекстуаллик қўйидагича таърифланади: 1) маъно-мазмун жиҳатидан бир матннинг бошқа матнга очиқлиги; 2) матннинг адресатга (китобхонда интертекстуал компетенциянинг тахминий мавжудлиги) коммуникатив-прагматик ва психологик жиҳатдан очиқлиги; 3) бир муаллифа тегишли матнлар орасидаги ғоявий ва тематик яқинлик, очиқлик; 4) у ёки бу матн қисмларининг таркибий-тузилиш (структурал-композицион) жиҳатидан бир-

бирига ички мазмунан очиқлиги; 5) бир тур (синф)га хос матнларнинг ўзаро типологик очиқлиги; 6) алоҳида типга хос матннинг умумийроқ, кенгрок функционал-стилистик тизимларга очиқлиги [Чернявская, 1999].

Интертекстуаллик матнлараро муносабатларнинг турли кўриниш ва шаклларида яхлит аниқ тимсол (жамланмаси)ни ҳосил қиласди, матнларнинг функционал-стилистик хусусиятлари, аниқ бир мулоқот доирасидаги типологик ўзига хосликларни қамраб олади.

И.В.Арнольд интертекстуалликни нутқнинг бошқа (ўзга, алоҳида) субъектларидан ташкил топган бутунлай бошқа матнларни ёки уларнинг цитата, аллюзия, реминисценциялар кўринишидаги фрагментларини матнга киритилиши, деб ҳисоблайди. Муаллифнинг фикрича, тор маънода интертекстуаллик – композицион-стилистик муаммодир. Адабиётшунослар унга адабий таъсирлар нуқтаи назаридан ёндашадилар, стилистлар цитата ва аллюзияларни интертекстуалликнинг ишлаш, амалга ошиш шакллари сифатида талқин этадилар (Арнольд, 1999, б.351-352). Шундай қилиб, И.В.Арнольд интертекстуаллик деганда “бир матнга ўзгача нутқ субъектини ўз таркибига олган бошқа бутун матнларни ёки уларнинг белгили/белгисиз, қисман ўзгартирилган/ўзгаришсиз цитаталар, аллюзиялар ва реминисценциялар кўринишидаги фрагментларини матнга киритиш ҳодисасини тушунади” (Арнольд, 1999, б.346).

Е.В.Михайлова интертекстуалликка матн категорияси сифатида қарайди. Унинг таъкидлашича, интертекстуаллик ўзида бир матннинг бошқа матнларга бир қатор жабҳаларда – мазмун, жанр, стилистик хусусиятлар, структуралар, шаклий-белгили ифодаланиши билан боғлиқлигини ифодалаб, тизим ташкиллаштирувчи (ҳосил қилувчи) дискурс категорияси ҳисобланади. Муаллиф матнлараро муносабатларни горизонтал ва вертикал турларга ажратади. Горизонтал муносабатлар битта (ягона) матн атрофида маъновий ва ўрин-вазият жиҳатидан боғланган матнлар мажмуаси доирасида амалга ошади . Вертикал алоқалар деганда эса бошқа белгилар тизимидан (бошқа

тил, ўзга белгилар тизими ва бошқалар) фойдаланиш тушунилади (Михайлова, 1999, б.2).

Интертекстуаллик назарияси билан прецедент матн назарияси чамбарчас боғланган. Чунки интертекстуаллик биринчи навбатда муаллифга асосий ахборотни мазмунли баён этиш ва китобхоннинг “маданий билимлар” мажмуасини жонлантиришга имкон берувчи нутқ яратишнинг мустақил луғавий блоклари (тизимлари) – прецедент матнлардан фойдаланиш натижасида амалга ошади. Прецедент матнлар бошланғич матннинг семантик компрессияси (маъновий торайиши, яхлитланиши) натижаси ва унинг метонимик ўрин босувчиси сифатида автосемантиклик, дейқтиклик, қайта таҳлилийлик (*реинтерпретируемость) (интертекстуаллик қаторида қайта ва қайта, такрор қўлланилиши) каби белги-хусусиятлари билан характерланади. Прецедент матн онгли-эстетик қадр-қимматини йўқотмаган нутқий ахборотдан олиниши мумкин ва алоҳида кичик матн (мини матн) ёки бирор матн бўлаги кўринишида мустақил фикрни ифодалаш учун ишлатилади.

“Прецедент матн” тушунчаси тилшуносликка Ю.Н.Караулов томонидан киритилган бўлиб, қўйидаги маъноларни англатади:

- 1) онгли ва ҳиссий муносабатларда у ёки бу шахс учун аҳамиятли бўлган матн;
- 2) ўта камёб шахсий характерли машхур ва номи тарқалган шахс, унинг ўтмишдошлари ва авлодлари номлари мавжуд матнлар;
- 3) ўша шахс дискурсида бир неча бор янгиланадиган матнларга мурожаат қилувчи матнлар (Караулов, 1987, б.216).

Прецедентлик ҳодисаси лингвистик адабиётларда турлича ёритилади. Тадқиқотчилар эътибори марказида, асосан, муаллиф ва китобхоннинг универсал – ижтимоий, маданий; ва лисоний – фонли билимлари жамланмасига таянувчи маданий белгига эга прецедент фикр-мулоҳазалар турди. Шундай қилиб, Ю.Н.Караулов прецедент матнга ҳаммага маълум ва машхур бўлган цитаталар, персонаж исмлари, бадиий асар ёки унинг

муаллифи номлари ҳамда новербал табиатли маданий белгиларни киритади. В.Я.Шабес прецедент фикр-мулоҳазаларни ижтимоий, коллектив (жамоавий) ва индивидуал турларга ажратади. В.В.Красных эса ижтимоий прецедент, миллий прецедент ва универсал прецедент матнларни фарқлайди. Ю.А.Сорокин прецедент матнларнинг когнитив жиҳатдан аҳамиятлилигини қайд этиб, уларни ўзида равон, яхлит, мантиқан ва шаклан тугалланган ҳиссий бўёқдорликни (бадиий кучни) ўзида мужассамловчи маданий-аксиологик бирликлар деб ҳисоблайди (Сорокин, 1997, б.24).

Г.Г.Слышкин прецедент матн деганда маълум бир маданий гуруҳ учун муҳим аҳамиятга эга бўлган яхлитлик, боғлиқлик (алоқадорлик), изчиллик (кетма-кетлик) хусусиятлари билан характерланадиган ҳар қандай белгили бирликларни тушунади (Слышкин, 2000, б.28). Шундай қилиб, Г.Г. Слышкин матнга кенг маънода (фақат адабий матнгина эмас) ёндашиб, прецедент матнларни ҳам фақат миллий маданият ифодаловчиси сифатида эмас, бошқа бир нечта гуруҳларга ажратади. Тадқиқотчи прецедент матнларни матн концептосферасининг асосий бирликлари деб ҳисоблайди (Слышкин, 1999, б.6) ва ҳар қандай прецедент матн албатта концепт ҳосил қиласи, деб таъкидлайди. Е.А.Земская прецедент матнлар ўзгаришсиз шаклда (цитация) ёки бир шаклдан иккинчи шаклга ўтган, қайта ясалган ҳолларда матнга киритилади, улар кенг омма олдида ниҳоятда машҳур бўлганлиги сабабли турли матнларда такрорланиш хусусиятига ҳам эгадир, дейди (Земская, 2000, б.105).

Шундай қилиб, прецедент матнлар маълум маданий гуруҳ учун қадрли ва аҳамиятли бўлган яхлитлик, боғлиқлик ва изчиллик хусусиятлари билан характерланувчи ҳар қандай матнлар ёки белгили бирликлар сифатида қаралиши мумкин. Улар актуал бўлган фонли билимларнинг бир қисми ҳисобланади ва асар интертексти ва актуал билимлар тузилмалари кесишинасида аниқланади.

Ю.Н. Карауловнинг фикрича, таниқлилик (машхурлик, маълумлик) ва хрестоматийлик прецедент матнларнинг асосий хусусиятлари ҳисобланади.

Булар орасида таниқлилик (машхурлик) матн прецедентлигининг зарурий шарти ҳисобланади. Чунки прецедент матн алоҳида шахс бойлиги, мулки бўлмай, балки муаллиф ва китобхоннинг умумий билимлар тузилмаларининг намунаси, очиб берувчиси ҳисобланади. Прецедент матннинг ушбу хусусияти Ю.Н.Караулов томонидан хрестоматийлик хусусияти деб ҳам аталиб, у умумий маданий-тарихий контекст орқали муаллиф ва китобхон ҳамфирлигига эришишга хизмат қиласи. Бундай ҳолларда прецедент матнлар очик характерли бўлиб, ахборот алмашиш ва ундан унумли фойдаланиш имконини беради. Улар маданий анъаналарни авлоддан авлодга етказиб берилишини таъминлайди, интелектуал (ақлий) билим ва малакалардан ташқари маънавий-ахлоқий қадриятлар, ҳиссиётлар ва қадр-қиммат тушунчаларини ўз таркибига оловчи “дунёни англашнинг умумбашарий кўникмалари”да мустаҳкамланган ўзига хос билимлар мажмуаси ҳисобланади.

Прецедент матнларнинг иккинчи хусусияти сифатида муаллиф қайта таҳлилийликни (азалдан мавжуд бўлиб, авлоддан авлодга ўтиш жараёнида янгича маданий талқинни касб этадиган ва санъатнинг турли кўринишларида гавдаланадиган оғзаки ва ёзма ижодиёт чегараларини хатлаб ўтган ўзига хос ҳодиса) кўрсатади.

Д.Б.Гудков прецедентлик ҳодисасининг характерли хусусиятлари сифатида инвариантлилик, воқеани аслидагидек хотирада тиклаш, тасвирлаш (воспроизведимость), шахслантириш (персонифицированность), эталонлилик, аксиологик белгиланганлик каби хусусиятларни ажратиб кўрсатади (Гудков, 1999, б. 6). Аксиологик белгиланганлик эталонлилик билан боғлиқ бўлиб, прецедентлик феноменининг “яхши-ёмон” шкаласи бўйича ифодаланиш ҳолатларини назарда тутади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, В.В.Красных прецедент феноменларни таниқлилик, маълумлик даражаси бўйича қуйидаги турларга бўлади:

- универсал прецедент – ҳар қандай замонавий индивидга маълум ва тушунарли;

- социум (ижтимоий) прецедент – у ёки бу жамиятнинг барча ўртаҳол вакилларига тушунарли ва маълум бўлган. Миллий прецедент – алоҳида лингвомаданий жамиятнинг исталган намоёндаси, вакилига хос, тушунарли бўлган (Красных, 1997, б.164).

Шундай қилиб, прецедент матнинг китобхон онгига акс этиши, тушунилиш учун прецедент матн фақат аниқ бир лингвомаданият доирасида эмас, балки ундан ташқарида ҳам юқори даражада машҳур ва тушунарли бўлиши керак. Яхлитлик ва боғлиқлик хусусиятлари билан характерланадиган, маълум маданий гурӯҳга хос қимматли ва аҳамиятли мазмунга эга бўлган ҳар қандай матн прецедент матн бўлиши мумкин. Прецедент матн актуал билимлар тузилмаларининг бир қисми бўлиб, асар интертексти ва актуал фонли билимлар кесишмасида аниқланади.

Интертекстуаллик ва прецедентлик назариялари ўзаро чамбарчас боғланган ва бир-бирини тақазо этувчи тушунчалар ҳисобланади. Интертекстуаллик матнларнинг қўп ўлчовли муносабати (алоқаси) сифатида қаралиб, прецедент матн вазифасида келувчи илгаридан мавжуд бўлган матнга турли ишоралар қилиш орқали хосил қилинади. Прецедент матнларни киритишнинг хилма-хил лингвистик воситалари интертекстуаллик белгилари, сигналлари сифатида қаралиши мумкин.

Ушбу тадқиқот ишида интертекстуаллик прецедент матннинг бир қисми ёки бирор бўлаги (фрагменти)ни интертекстга киритиш йўли билан амалга ошадиган матнлараро муносабат, алоқа сифатида тушунилади. Интертекст аллюзия, эпиграф, цитата, мулоҳазалар (высказывания) орқали илгариги, олдинги бирор бир матнга ишора қилувчи матн бўлаги сифатида қаралади.

3.2. Аллюзив антропоним тушунчаси

Бир қатор тадқиқотчилар таъкидлаганидек (Арнольд И.В., Медриш Д.Н., Коваленко Е.Н., Машкова л.А., Удо Хебель, Ашуррова Д.У., Дусабаева

А.А ва бошқалар), аллюзия интертекстуалликнинг асосий белгиси, интертекстда прецедент матнни фаоллаштирувчи асосий восита ҳисобланади. Ж.Женетт аллюзияни матнларнинг ўзаро таъсирли алоқаси турларидан бирига, аниқроғи бир матнда икки ёки ундан ортиқ матнларни жамлайдиган интертекстуаллик ҳодисасига хос стилистик восита, деб таъкидлайди (Женетт, 1989).

Аллюзия бир неча луғатларда “хаммага маълум бўлган бадиий ёки тарихий факт сифатида талқин этилади. Аллюзияларнинг кенг тарқалган бир тури тарихий ўтмиш ҳақидаги асарларда замонавий ижтимоий-сиёсий реалияларга мурожаат қилишдир”(ЛЭС, 1990); “ўқувчига маълум ва тушунарли деб таҳмин этилган тарихий воқеа, ҳаётий ёки бадиий фактга ишора” (Поэтический словарь, 1966). Баъзи луғатларда аллюзия деганда айтилиши ўхшаш сўзлар ёрдамида ёки барчага маълум ҳаётий ёки бадиий фактга ишора тушунилади (Культура и культурология, 2003, б.54]. Аллюзиянинг ҳазил, ишора каби маънолари ҳам бор (Большая советская энциклопедия, 1969, б. 449]. Ҳозирги кунда И.Р.Гальпериннинг аллюзияга берган ушбу таърифи классик намуна сифатида қадрланади: *allusion is an indirect reference, by word or phrase, to a historical, literary, mythological, biblical fact or to a fact of everyday life made in the course of speaking or writing* (Гальперин, 1981, б.187).

Интертекстуаллик назариясига кўра аллюзия бир матннинг бошқа матнларга алоқасини кўрсатадиган ёки маълум бир тарихий, маданий, биографик фактга ишора қиласадиган матн элементларининг мавжудлиги сифатида қаралади. Бундай элементлар аллюзия репрезентантлари ёки маркерлари (белгилари) деб аталади, ишора қилинган матнлар ёки ҳаётий воқеа-ҳодисалар аллюзия денотатлари ҳисобланади. Аллюзия денотатлари турли билим манбаларига асосланган “матндан ташқари” элементлар ҳисобланади.

Бундан ташқари аллюзия мифологик, диний, адабий, тарихий қаҳрамон ва воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини айни пайтдаги (жорий)

матнга күчириб келтириш воситаси вазифасини ҳам бажаради, бунда “аллюзия машхур образни қайта тикламайди, балки ундан қўшимча маълумот, ахборотни чиқариб олади” (Гальперин, 1981).

Маълумки исмлар ва номлар ҳар қандай тилнинг лугат бойлигидан муҳим ўрин эгаллайди. Атоқли отлар ўзлари тегишли бўлган мамлакат тарихи, диний ақидалари ва маданиятини ўзига хос тарзда акс эттиради. Атоқли отлар – белгиланган аниқ бир предмет ёки ҳодисани номлаш учун ишлатиладиган сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, ўша предмет ёки ҳодисанинг бошқа шу типдаги предмет ва ҳодисалардан ажратиб туради (Никонов, 1987). Атоқли отлар ёки онимларга қуидагилар киради: антропонимлар (кишилар исмини билдирувчи атоқли отлар), топонимлар (географик объектларни билдирувчи атоқли отлар), теонимлар (худоларнинг номларини билдирувчи атоқли отлар), зоонимлар (ҳайвон исмлари ва лақаблари), астронимлар (осмон жисмлари номлари), космонимлар (фазовий кенглик доирасидаги исмлар, юлдуз туркумлари номлари), фитонимлар (ўсимлик номлари), хрононимлар (тарихий воқеалар билан боғлиқ давр номлари), идеонимлар (маънавий маданият объектлари номлари), хрематонимлар (моддий маданият объектлари номлари) ва бошқалар. Айнан битта оним ҳам топоним, ҳам антропоним, ҳам зооним (ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Ушбу тадқиқот ишида антропонимлар асосий ўринда туради. Антропонимлар – бу шахс отлари, патронимлар, исм ва фамилиялар, қонқариндошлиқ исмлари, лақаб, тахаллус (индивидуал ёки гурух), криптонимлар (яширин исмлар) каби кишиларга хос атоқли отларнинг йирик гурӯҳини ҳосил қиласи. Шахс отларини ифодаловчи антропонимлар бошқа атоқли от (онимлар) турларидан объектни индивидуаллаштириш хусусияти билан фарқланади. Ҳар бир номлаш обьекти (киши, шахс) ўз номига эга. Антропонимлар бошқа атоқли отлар каби нафақат лингвистик, балки ижтимоий-тарихий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг зарурӣ элементи вазифасини бажаради. Бугунги жамиятда антропонимлар номлаш таснифли тизими таркибий қисми сифатида икки

аспектда намоён бўладиган асосий аташ маъносини беради: дистинктив (индивидуидни жжамиятдан ажратиб турувчи) ва интеграцион (бир антропоним эгасини умумий синф билан боғлаб турувчи, бирлаштирувчи).

Қайд этиш жоизки, турдош отлар гурухига ўтадиган антропонимлар ўзгача статусга эга бўлади. Атоқли ва турдош отларнинг бундай мослашувчанлигини уларнинг маъновий структураларида ёрқин ва муқим (ўзгармас, қатъий) сифатлар акс этиши билан тушунтириш мумкин. Бундай антропонимлар ўз семантикасида экстралингвистик ахборотни ифодалаб, маълум тил ва маданият кишиларининг шу миллатга хос тарихий, диний, мифологик воқеа-ҳодисалар, урф-одат ва анъаналарни кўзгу каби акс эттирадиган билимлар тузилмасининг ажралмас қисмини ташкил этади. Унга, авваломбор, бирор тил вакиллари орасида машҳур исмлар – таниқли шахслар, мифологик ва диний қаҳрамонлар, бадиий асар персонажлари исмлари киради. Бундай исмлар вақт ўтиши билан ўз таркибиға қатъий ва ўша жамият учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган миллий хусусиятлар жамланмаси (характер, хулқ-атвор, ташқи кўриниш, миллий статус) сифатида эътироф этилади. Шаклан шахс отлари категориясини сақлаб қолган ҳолда, бу исмлар маъно жиҳатидан ўз категорияси белгиларини йўқотиб, кишиларга хос бўлган у ёки бу белги-хусусият рамзига айланади (Горбунова, 2008, б. 3). Галиева М.Р таъкидлаганидек, бундай антропонимлар “бир лингвомаданият доирасида қабул қилинган стереотиплар, эталонлар, символлар билан ифодаланадиган ўзига хос маданий белгиларга айланади” (Галиева, 2011). Бу антропонимлар прецедент бўлиб, миллий лисоний онг элементлари, бир лингвомаданий жамиятга хос когнитив англаш ва тушунишнинг умумий қарашлари ҳисобланади. Прецедент исм индивидуал, шахсий исм бўлиб, бир лингвомаданиятга хос таниқли шахс ёки воқеа-ҳодисага ишора қилиб прецедент вазифада келгани (Hamlet, Othello), бирор бир хусусиятни рамзий маънода этalon сифатида акс эттириши (Cain, Samson) туфайли шундай номланади (Гудков, 2003, б.108). Прецедент исм матн таркибида прецедент матнга ишора қилиш шаклида ёки матндан ташқари ҳам мавжуд бўлиши

мумкин. Бадиий матнда прецедент исм бизнинг тадқиқот ишимиз предмети бўлган аллюзив антропоним кўринишида намоён бўлади.

Бир бадиий матнга бошқа илгаридан мавжуд бўлган матнга хос ахборотни киритиш вазифасини бажарувчи аллюзив антропонимлар икки хил талқин этилиши мумкин: ахборот квантин (қисқа шаклда берилиши) ва яширин маъноли кўринишилар. Бу реципиент матн доирасида аллюзив антропонимларни декодлашда таҳлил этилаётган матнга прецедент матндан ўтказилган ахборотни мантиқан хотирада тиклаш заруратини кўрсатади. Аллюзиянинг бир тури сифатида аллюзив антропоним ўзида матнга хос белги-хусусиятларни намоён қиласи, одатий матн белгиларидан фарқли равища, у бир сўз воситасида икки хил маънони (бири бошқа семиотик майдонга хос бўлган) ўзида мужассамлаштириш орқали матн тузилишини мураккаблаштириш имконини беради. Бир томондан аллюзив антропонимлар исм эгасига ишора қилиб, индексал маънони ифодалайди. Бошқа томондан эса, бу маънонинг ифодаланаётган обьекти билан муносабати, алоқаси ихтиёрий бўлиб, аллюзив антропоним символик белги вазифасини бажаради. Бундан ташқари, у иконик белги ҳам ҳисобланиб, бирор хаётий ёки хаёлий ҳолат ва вазиятни моделлаштиради. Аллюзив антропоним таърифловчи/тавсифловчи белги сифатида обьектни бир қатор яқин маъноли ассоциацияларга ажратади ва янги ассоциациялар ҳосил қиласи. Мисол тариқасида “Мефистофель” сўзининг ишлатилишини олиш мумкин. Бу сўз Европа халқлари бадиий адабиётида ёвузлик тимсоли шайтон(иблис) билан боғланади. Мефистофель – бу “Доктор Фауст ҳақида ҳикоя” деб номланган немис халқ китоби қаҳрамони. И.В. Гётенинг “Фауст” асарида Мефистофель Фаустнинг ҳамроҳи бўлиб, унга қалби эвазига ҳукмронлик (ҳокимият), ақлзаковат, дунёвий неъматлар, баҳт-саодатни ваъда қиласи. Бизнинг онгимизда Мефистофель, асосан, васваса, нафс балоси тушунчалари билан боғланади. Шундай қилиб, ушбу мисолда аллюзив антропоним индексал ва тавсифловчи денотат вазифаларини бажарган. Л.А. Машкова, Е.Н. Попованинг таъкидлашича, аллюзив антропонимни қўллашнинг ўзига хослиги унинг

икки ёқлама хусусияти – ҳам прецедент, ҳам интертекст денотатига боғлиқ, умумий бўлиши билан ифодаланади (Машкова, 1989, б.11; Попова, 1984, б. 202]. Прецедент матн – бу аллюзив антроним ўзлаштириб олинган матн. Интертекст – аллюзив антроним жойлаштирилиб, ўзининг дастлабки маъносини янги денотатга нисбатан қўллайдиган матн. Аллюзив антронимнинг икки ёқлама табиати ва объектни кўрсатиш, таснифлаш имконияти унинг матннинг лексик ва семантик-синтактик боғлиқлигини таъминлашдаги иштирокини белгилайди.

Ю.Н.Карауловнинг фикрича, муаллиф ёки персонаж исми шаклидаги аллюзив антроним сарлавҳа ёки цитаталар воситасида бир матнга прецедент матнни киритишга хизмат қилувчи тил бирликларига таалуқлидир (Караулов, 2002, б.218). Ушбу нуқтаи назарни қўллаб-куватлаган ҳолда, Д.Б. Гудков, В.В. Красных, И.В. Захаренко, Д.Б. Багаева аллюзив антроним прецедент матн рамзидир, деб таъкидлайди (Гудков, Красных, Захаренко, Багаева 1997, б.107). В.Г. Костомаров, Н.Д. Бурвикованинг фикрича, аллюзив антроним маданий аҳамият касб этадиган матн репрезентантидир. Улар прецедент матн “қисқартирилган, йифилган дискурс”, “инсоний хаётий қадрияларни маданий билим манбалари ёрдамида тил кўзгуси орқали тушуниш ва англаш бирлиги ” дир, деб таъкидлайди ва прецедент матннинг маънони янгилаш, бойитиш қобилиятига алоҳида урғу беради (Костомаров, Бурвикова 1996, б. 297). Аллюзив антроним интертекст яратишнинг усул ва воситаларилан бири сифатида намоён бўлиб, бир матн ҳамда кишиларга илгаридан маълум бўлган тарихий-маданий билим ва кўникмалар билан боғлиқ белгилар орқали ифодаланадиган бошқа маданий-семиотик бирликларининг бир қатор ўзаро боғлиқ маъновий алоқаларини шакллантиради. Аллюзив антроним қатнашган интертекст ўзаро боғлиқлик табиати билан характерланади, бирор персонаж, муаллиф, ситуация образини яратишда қўлланилади, маънони турли даражаларда акс эттиради, вақт давомида ўзгаришларга мойил бўлади.

Шундай қилиб, аллюзив антропоним прецедент матнинг белгиси, рамзи ҳисобланиб, икки асар, бадий олам (муҳит) ва даврлар орасида “кўприк” вазифасини бажаради (Машкова, 1989, б. 11). Интертекстда аллюзив антропоним стимул-сўз орқали ифодаланиб, китобхон онгига кўп сонли тарихий-маданий хусусиятли ассоциацияларни уйғотади. У матнга ўзига хос хусусиятларга эга бўлган (икки планлилик, бошқа денотат билан ўзаро боғланишда бўлишлик, турли типдаги белгилар ўзига хосликлари билан мослик: икона, символ, индексал ва тавсифловчи белгилар) структура ясовчи элемент сифатида жойлаштирилади. Когнитив лингвистика нуқтаи назаридан аллюзив антропоним семантик мураккаблиги билан характерланувчи билимлар тузилмасининг ифодаловчиси, реципиент матнни тушунишда мифологик, диний, тарихий ва бадий хусусиятли билимлар тузилмаларини фаоллаштирувчи тил белгиси ҳисобланади.

Аллюзив антропоним бадий матнда янги, қўшимча маълумотларни ифодалайди, символларга айланган у ёки бу тил жамоаси учун аксиологик маъно касб этадиган турли умумий боғлиқликларни, ассоциацияларни ўзида жамлайди. Символ мураккаб тил бирлиги бўлиб, рамзли хусусияти билан фарқланади. У ўз таркибиغا катта ҳажмдаги эксплицит ва имплицит ахборотларни жамлайди, маданий ахборотни етказиш ва билимларни намойиш қилиш воситасига айланади. Рамзий маънога эга бўлганидан, символ ахборотни қисқа ва лўнда акс эттиради. Кўпгина аллюзив антропонимлар асосий ва қўшимча белги-хусусиятларга эга бўлиб, матн ёки персонажни чуқур ва кенг қамровли интерпретация қилиш (тушуниш) имконини беради. Аллюзив антропоним ҳам баъзан қўшимча имплицит маъно яратиш воситаси саналиб, импликация, пресуппозиция, подтекст тушунчаларини тадқиқ этади. Матн ёки унинг бўллагининг имплицит маъноси биз яшаб турган жамият, дунёвий билимлар ёрдамида идрок этилади.

Шундай қилиб, аллюзив антропоним: 1) матнга прецедент исмлар киритиш воситаси; 2) билимлар тузилмасининг турли кўринишларини ўзида акс эттирадиган когнитив аҳамиятли тил бирлиги; 3) интертекстнинг

прецедент текст билан мулоқатга киришиши механизмига асосланган интертекстуалликнинг тил орқали ифодаланиш шакллари (маркерлари); 4) маълум лингвомаданият доирасида қабул қилинган стереотиплар, символлар, эталонлар билан ифодаланадиган маданий белги ҳисобланади.

3.3 Бадиий матнда аллюзив антропонимларнинг хусусиятлари

Матн таркибида антропонимлар ўз семантикасида миллий-маданий, тарихий ва рамзий маъноларни қамраб олиш хусусиятига эга. Тарихий шахслар, мифологик ва диний образлар, бадиий асар қаҳрамонлари исмлари маълум маданият доирасида стереотиплар, эталонлар, символлар билан ифодаланадиган ўзига ҳос маданий бирликларга айланади. Антропонимлар, бир томондан, бирор шахснинг исми маъносини билдирса, бошқа томондан, маълум экстралингвистик омиллар (машҳурлик, алоҳида шахсий белгилар, ташқи кўриниш, ақлий салоҳият) таъсирида умумий белги, хусусиятга айланади ва маълум бир билимлар тузилмасини ифодалайди. Буни қўйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

“I wonder why you came here”. – “because I heard that the women here were all Zerlinas, like you, men Masettos, like Mr.Phil” [English Story, Moscow, 1996, p320.].

Адабий матндан олинган ушбу мисолда муаллиф В.А.Моцартнинг “Дон Жуан” операсига аллюзив антропонимлар орқали ишора қилган. Операда маккор Дон Жуан содиқ хизматкори Лепорелло кўмагида Мазеттонинг рафиқаси Церлинани хушомадгўйлик билан йўлдан урмоқчи бўлади. Ушбу аллюзиялардан фойдаланиб, Б.Шоунинг “The miraculous revenge” хикояси бош қаҳрамони Зино Ледж руҳоний қизига унга бўлган соҳта муносабатидан кўзлаган аниқ мақсади борлигини хушмуомалалик билан англатади.

Тарихий аллюзив антропонимлар ҳам адабий матнларда тез-тез учраб турадиган лингвокогнитив ва лингвомаданий бирликлардан ҳисобланади.

Бунда асосан дунё ва мамлакат тарихида ўчмас из қолдирган буюк дохийлар, давлат бошлиқлари, ҳарбий саркардалар исмлари ишлатилади:

“Membury comes too, a grinning, loping Caesar dwarfing his Antony, hauling on his ear, dreaming of fish and smiling at the wrong people” [Le Carre, A Perfect Spy 1987, p470].

Милоддан аввалги I асрда яшаб ўтган буюк рим саркардаси ва сиёсий арбоби Юлий Цезарнинг тез-тез тилга олиниши унинг фавқулотда тенгсиз (такрорланмас) шахсияти ва ўзига хос фазилатлари билан тушунтирилади. Бу мисолда Юлий Цезарнинг Марк Антонийга муносабатига ургу берилган. Маълумки, Антоний ҳам ўз даврининг енгилмас ва жасур лашкарбошиларидан бўлса-да, у бутун умр Цезарнинг сояси ортида қолиб, ўзи мустақил шон-шарафга эриша олмаган, доим иккинчи даражали - Цезардан кейинги ўринларда туриб, устунлик ва етакчилик унга насиб этмаган. Ле Каренинг “Идеал Жосус” асари қаҳрамонлари орасида ҳам худди шундай муносабатни кўриш мумкин.

Кизиги шундаки, баъзан аллюзив антропонимлардан келиб чиқадиган ассоциациялар тўғридан-тўғри мос тушмай, трансформация жараёнида қиёслаш, тенглаштириш ёки зидлаш орқали янги маъновий қирраларга ҳам эга бўлади. Масалан,

“Justice had never been forthcoming from the authorities and so the people had always gone to the Robin Hood mafie” [Puzo.M. The Godfather, 1969, p326.].

Бу ерда афсонавий қаҳрамон Робин Гуд образи замонавий реципиент матнда янги маъно қирраларини ўзида мужассам этганлигини кўриш мумкин. Маълумки, Робин Гуд эзгулик, адолат, камбағаллар ҳимоячиси тимсолига айланган ижобий образ, замонавий роман “Чўқинтирган ота”да эса у муаллиф Марио Пьюзо таърифлаганидек *раҳм-шафқат*, эзгулик, одамгарчиликка бегона мафияга тенглаштирилмоқда. Албатта, мафия аъзолари ҳам Робин Гудга хос хусусиятларга (биродарлик, ўз қарамогидаги кишиларга ёрдам қўлинни чўзиш ва бошқалар) ҳам эга бўлиб, шу асосда улар

ўзаро боғланмоқда. Ва айни пайтда Робин Гуд образи янги маъновий кирраларни (ассоциацияларни) ўзида мужассамлаштирумокда.

Аллюзияларни келиб чиқиш манбаларига қўра матнга хос (адабий, мифологик, библияга хос) ва матндан ташқари (тариҳий ва майший) турларга бўлиш мумкин.

It was deep winter when Pym arrived and it is winter still, for I have never been back, I never dared. The same snow lies over the fens and marshes and freezes Quixote's windmills to a standstill against the cindery Flemish sky. The same steepled towns dangle from the sea's horizon, the Brueghel faces of our electorate are as pink with zeal as they were those three decades ago [255, P.360].

Сервантеснинг боқий асари бир неча авлод ёзувчилари учун турли даражаларда подтекст яратиш учун хизмат қилди. Бу ерда Дон Кихот исми довюрак (жасоратли) иdalъго кураш олиб борган серботқоқ ерли, шамол тегирмонлари жой олган типик испан пейзажининг ёрқин образини ҳосил қиласди. Шунингдек, Ле Каре бутун бир авлод рассомчилик санъати асарлари яратувчиси фламанд рассоми Брейгел номини ҳам тилга олади. Шундай қилиб, муаллиф китобхон кўз ўнгидаги Испания табиати манзарасини гавдалантириш билан бир қаторда унинг маданиятига хос бекиёс даврлар билан китобхонни танишитиради.

Heard that name anywhere, have you, son, with your fine education? Baron Rothschild? Lord Rothschild? Count Rothschild? Rothschild's Bank? Or are you going to tell me you're not conversant with the name of a certain great Jewish family with all the wealth of Solomon at its fingertips? [255, P.200]

Ушбу мисол библияга хос аллюзияга яққол мисол бўлиб, унда Исроилнинг буюк подшоҳларидан бири Соломон номи тилга олинган. У отаси Давиддан қолган мисли қўрилмаган бойлик (хазина) билан шухрат қозонган ва уни ўз донолиги билан асраб, кўпайтиришга муваффак бўлган.

Wexler's terseness is not unexpected. It is a feature of these meetings, known to everybody present, that a curse, if not an outright embargo, hangs over the use

of Lederer's name. Lederer is their Cassandra. Nobody ever asked Cassandra to preside over a meeting on damage limitation [Le Carre J. A Perfect Spy, P.311].

Мифологик аллюзияларга асосланган билим классик таълим атрибути ҳисобланади. Бу ерда Кассандра исми юон мифологиясидан олинган бўлиб, Троя шоҳи Приамнинг қизига ишора қиласди. Афсонада унинг афсонавий шаҳар Троянинг ҳалокатга учраши (таназзули)ни башорат қилгани қайд этилади. Ҳозирги кунда бу исм башоратига одамлар ишонмаган соҳибкаромат киши (башоратчи) маъносида ишлатилади.

Маишӣ аллюзиялар бирор бир лингвомаданият доирасида кўп ишлатиладиган типиклашган исмларга ишора қиласди. Бундай исмлар миллий стереотипларга айланиб, миллий белги-хусусиятларни шўида мужассамлаштиради. Буни қўйидаги мисолда кўриб чиқамиз:

He's a greedy, grubby fellow. Farts a lot, scratches his head, steals his Commandant's chickens. But he doesn't like his country to be occupied by a bunch of sweating Ivans who swagger round the streets of Prague and tell him he's a stinking little Chech, and he doesn't like being packed down to Austria at somebody's whim to play toady to a lot of drunk Cossacks [Le Carre J. A Perfect Spy, P.467].

Инглизлар учун рус халқининг барча типик хусусиятлари қадимдан Иван исми билан боғланган. Инглизлар Иванни рус халқи билан боғлиқ барча салбий хусусиятлар эгаси сифатида талқин этишса, рус халқи, аксинча, бу исмни эзгулик, оқ кўнгиллилик, соддадиллик каби ижобий хислатлар билан боғлайди, маккорлик ва ҳийлагарлик, зулм ваadolватдан холи деб таърифлайди. Бунга рус халқ эртаклари ҳам гувоҳлик бериши мумкин. Исмларнинг асоциатив юки уларнинг эгаларига бўлган муносабатнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Бундан аллюзив антропонимларнинг социум хақида маълумотларни етказиб бериш имкониятига эга эканлигини кўриш мумкин.

I'm reading "Sense and Sensibility" and I must find out what happens to Marianne. Marianne is me; Eleanor is me as I ought to be [Fowles J. The Collector, P.201].

Дж. Фаулз қаламига мансуб замонавий роман “Коллекционер”дан олинган ушбу парчада асар бош қаҳрамони Миранданинг ҳолатини тушуниш учун китобхон Джейн Остенning “Ақл ва Ҳиссиёт” романи билан яқиндан таниш бўлиши талаб этилади. Дж. Остенning романи бош қаҳрамонлари Марианна ва Элеоноранинг ҳаётида турли воқеа-ҳодисалар рўй беради, улар баҳт-саодатга эришиш йўлида учраган тўсиқларни сабр билан енгиб ўтадилар. “Ақл ва Ҳиссиёт” романи билан таниш китобхонгина “Коллекционер” бош қаҳрамони Миранданинг ички ҳолатини тўғри баҳолаши мумкин. Чунки аллюзив ишоранинг имплицит маъносини бутун бир романни тушуниб таҳлил этиш орқали тиклаш мумкин.

I remember later he said (Professor Higgins again), you don't really stand a dog's chance anyhow. You're too pretty. The art of love's your line: not the love of art [Fowles J. The Collector, P.160].

Эсадаликлирида Миранда унинг санъатга қизиқишига шубҳа билан қарайдиган бир дўстини Бернард Шоунинг “Пигмалион” пьесаси қаҳрамони профессор Хиггинсга – инглиз диалектларининг фонетик ўзига хосликлари билимдони, чуқур ақл-заковат эгасига таққослайди. Бу ерда “professor Higgins” “хайриҳоҳ оҳангда ибратли (насиҳатомуз) гапирмоқ” деган маънони беради. Бу мисолда китобхон шубҳасиз пресуппозицион билимга таяниб, профессорни билимли киши сифатида тасаввур қиласди. Бу эпизодни ўқигач, унинг тезаурусида янги – такаббур скептик образли шахс гавдаланади.

What was temptation? Almost everything was temptation to Thompson. Pubs, cinemas, allotments, chicken-runs, tobacconists – in these, everywhere, the tempter might be. Temptation, like Othello's jealousy, was the air itself [England versus England, P. 107].

Бу мисолда Отеллонинг тилга олиниши китобхонни биринчи галда Шекспирнинг боқий асари қаҳрамони Отеллонинг чексиз рашк соҳиби

эканлиги ҳақидаги фикрларни ёдга солади. Лекин бу парчада замонавий инглиз қисқа ҳикоялар ёзувчиси, ўзининг киноявий услуби билан машхур В.С.Притчет (1900-1997) китобхоннинг кутганини чиппакка чиқаради. Бу ерда икк қаҳрамонни таққослаш кўпроқ абстракцияга асосланган: уларни ҳеч бири қарши тура олмаган васваса (мания) ва нафс балоси умумлаштириб туради. Агар Отелло тузатиб бўлмайдиган рашкчи бўлса, В.С.Притчетнинг “Денгизчи” (“The Sailor”) ҳикояси қаҳрамони – тўхтатиб бўлмайдиган (тийиқсиз) майхўр, ишратпараст. Отелло аллюзив шахс оти контекстда (*temptation*) муаллиф англатмоқчи бўлган маънони тўғри тушуниш имконини беради.

Ўзида миллий-маданий хусусиятларни намоён қилувчи аллюзив антропонимларни О.Ҳенрининг асарларида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

“Eight dollars?” said Miss Leeson. “I’m not Hetty if I do look green. I’m just poor little working girl. Show me something higher and lower”.

“The skylight room” ҳикояси бош қаҳрамони Лизон хоним тилидан айтилган ушбу гапда ўз даврида Американинг энг бой аёли бўлган Ҳетти Гринга ишора қилинади. Бу ерда муаллиф ажойиб сўз ўйинини (a pun) қўллаган: тарихий шахс Ҳетти Гриннинг фамилиясини атоқли от эмас, балки “тажрибасиз, нўноқ” маъносини берувчи оддий сифат (green) сифатида ишлатган. Бу ерда *Hetty Green* бойлик тушунчasi билан боғланиб, қаҳрамоннинг сўзларидан унинг молиявий жиҳатдан у қадар яхши таъминланмагани англашилади.

“Anna Held’ll jump at it” said Mr.Skidder to himself, putting his feet up against the lambrequins and disappearing in a cloud of smoke like an aerial cuttlefish.

“The skylight room” ҳикоясидан олинган галдаги мисолда Америка ва Европада шухрат қозонган Голливуд юлдузи Анна Ҳелдга ишора қилинади. У Голливудда *Mae West* исми билан машхур бўлиб, унинг номи тиллардан тушмаган, турли компаниялар ўз маҳсулотларини унинг шарафига номлаган. Бу аллюзив антропоним *машхурлик* тушунчаси билан боғланиб, ушбу матнда

муаллиф ҳатто Голливуднинг энг машҳур юлдузи ҳам Жаноб Скиддернинг пъесасида жон деб роль ижро этарди, деган маънони бериш учун ишлатган.

I pray you let the drama halt while Chorus stalks to the footlights and drops an epicedian tear upon the fatness of Mr. Hoover. Tune the pipes to the tragedy of tallow, the bane of bulk, the calamity of corpulence. Tried out, Falstaff might have rendered more romance to the ton than would have Romeo's rickety ribs to the ounce. A lover may sigh, but he must not puff. To the train of Momus are the fat men remanded. In vain beats the faithfulest heart above a 52-inch belt. Avaunt, Hoover! Hoover, forty-five, flush and foolish, might carry off Helen herself; Hoover, forty-five, flush and foolish and fat is meat for perdition. There was never a chance for you, Hoover.

“The skylight room” ҳикоясидан олинган ушбу парчада бир неча аллюзив антропонимлар ишлатилган: Falstaff, Romeo, Momus, Helen

Falstaff (Sir John Falstaff) – Шекспирнинг “Генри IV” ва “Виндзорнинг кувноқ хотинлари” (“The Merry Wives of Windsor”) асарлари қаҳрамони номи. Ҳар икки пъесада у семиз, мақтанчоқ, сўзга чечан, юзсиз (сурбет) қаҳрамон сифатида тасвирланади. Муаллифнинг жаноб Хуверни бундай аташига сабаб ҳар икки қаҳрамоннинг қадди-қомати ўхшаш (яъни семиз).

Romeo- Шекспирнинг машҳур трагедияси бош қаҳрамонига ишора. Бу ерда Falstaff ва Romeo образларига ишора қилиш орқали муаллиф Mr. Hoover ва Mr. Evans ўртасидаги ёш ва ташқи кўриниш жиҳатидан тафовутни кўрсатиб беришни мақсад қилган. Ҳар икки қаҳрамон Лизон хонимни севсада, жаноб Хувернинг муҳаббати Ромеонинг Жулъеттага бўлган севгисидан ҳам кучлироқ эканлиги таъкидланади.

Momus – юонон афсоналарига кўра Момус ҳаммадан камчилик топиб устидан куладиган, одамларни танқид ва мазах қиладиган худо. Демак, бу ерда Хувер доимий танқидлар, масхаралашлар обьектига айланиб, хамма унинг устидан кулган, деган маъно келиб чиқади.

Helen – афсоналарга кўра у Спарта қироли Менелауснинг сохибжамол рафиқаси бўлган. Унинг таърифини эшитган Троя қироли Приамнинг ўғли

шахзода Пэрис унга ғойибога ошиқ бўлади ва ўғирлаб кетади. Натижада афсонавий Троя жанги бошланади ва у Троя салтанати ҳалокати билан якунланади. Елена номи тенгсиз гўзалик ва латофат тимсолига айланган бўлиб, бу ерда Лизон хоним гўзаллик жиҳатидан унга тенглаштирилмоқда.

*'I was thinking', says Andy, 'of a little hunt without horn, hound or camera among the great herd of the **Midas Americanus**, commonly known as the Pittsburgh millionaires'*

